

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEKNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ
Шавкат Мирзиёев:
"Темир интизом" ҳаммамиз
учун энг биринчи масала бўлиб
қолиши керак **2-бет**

ИНТЕРВЮ
"Ucell" раҳбари Владимир
Кравченкодан ўзбек тилини
ўрганиш, давлат тилида ишлаш
бўйича мастер-класс **4-бет**

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ
Ишлар бир маромда
давом этмоқда... **5-бет**

СОТОВАЯ СВЯЗЬ
Компания Humans стала
пятым GSM оператором
в Узбекистане **6-бет**

**"НОБЕЛ МУНОФОТИНИ
КУЛГА КИРИТМОҚЧИМАН".**
Лондондаги қироллик коллежи
докторанти Малика Наримова
билан сўхбат **7-бет**

САЛОМАТЛИК
Пневмония ҳақида нималарни
билиамиз? **8-9-бетлар**

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ
Кибержиноятчиликка
қарши қандай курашиш
мумкин? **11-бет**

КАМ ИШЛАБ, КЎП ТОПУВЧИЛАР

Унумдорлик рейтингини
тузишда экспертлар мамлакат-
лар аҳоли жон бошига ЯИМ
кўрсаткичларини бир йилда
бир ишчига тўғри келадиган
ўртача меҳнат соатларига
бўлиб чиқишди.

Энг сермахсул ишчилар
Люксембург, Норвегия, Швей-
цария, Дания ва Исландияда
— улар бир соатда ўз мамла-
катлари иқтисодиётига 68,47
доллардан 36,52 долларгача
даромад келтиришапти.

1. Люксембург — \$68,47
2. Норвегия — \$52,5
3. Швейцария — \$50,08
4. Дания — \$38,16
5. Исландия — \$36,52

Манба: INSIDER

ТАТУГА

ЎТГАН ЙИЛГА НИСБАТАН 40 ФОИЗ КЎП АБИТУРИЕНТ ҚУЖЖАТ ТОПШИРДИ

Президент Шавкат Мирзиёев парламентга жорий йилдаги Мурожаатномасида тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ҳамда замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шартлиги, бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини бериши, зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бораётганлигига алоҳида эътибор қаратганди.

Ҳар бир янги соҳада бўлгани каби рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнида ҳам малакали кадрлар масаласи устуворлик касб этади. Ушбу масалада, яъни кадрлар тайёрлашда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг ўрни бекиёсдир.

ОНЛАЙН ОРОМГОҲ

"Raqqamli avlod — 2020" — ёшларимиз учун ажойиб имконият!

Яқин икки йилликда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги рақамли технологияларни давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳа ривожига кенг жорий этиш йўлида салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Айнқса, бу йўлда ёшларимиздан унумли фойдаланиш, улардаги иқтидор ва ғайратни тўғри йўналтириш аини муддаодир.

24 – 28 август кунлари "Digital Generation Uzbekistan" нодавлат нотижорат муассасаси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги АКТга ихтисослашган мактаб билан ҳамкорликда бутун Ўзбекистон ёшларини илк бор Online Digital Camp – "Raqqamli avlod – 2020" онлайн оромгоҳига таклиф этади.

Online Digital Camp "Raqqamli avlod – 2020" – бу биринчи бегул онлайн оромгоҳ бўлиб, рўйхатдан ўтганлар ушбу лойиҳа кўмагида замонавий технологиялар бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлишади.

Беш кун давом этувчи мазкур мотивацияга бой тадбирда ёшларга АКТ соҳаси ривожининг замонавий тамойиллари ҳақида маълумотлар берилади ва иштирокчилар куйидаги йўналишларда таълим олишади: Веб-дастурлаш, Мобил-дастурлаш, Desktop-иловаси дастури, Рақамли медиа ва маркетинг, Дизайн, Робототехника ҳамда Фриланс.

● Жумладан, Веб-дастурлашда – иштирокчилар тайёр кутубхоналар ёрдамида Лендинг Пейдж саҳифаларини қандай ишлаб чиқишни;



- Мобил дастурлашда – Android Studioда Kotlin ва Java дастурлаш тиллари орқали мобил иловалар яратишни;
- Desktop-иловаси дастурида – C# дастур тилида "Youtubedan yuklab ol" дастурий таъминотининг қандай ишлаб чиқилишини;
- Медиа ва Digital маркетингда – Мобил репортёрлик, журналистика, оператор ва режиссёрлик асосларини

2 | ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 август куни туризм салоҳиятини кенгайтиришга доир лойиҳалар тақдимоти билан танишди. Тақдимотда кейинги икки йилда сайёҳлик ўринлари ва хизмат турларини кўпайтириш натижасида ҳудуднинг туризм салоҳиятини икки баробар орттиришни таъминлаш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси мустақиллиги куни муносабати билан Президент Рам Натх Ковинд ва Бош вазир Нарендра Модиди ҳамда Индонезия Республикаси Президенти Жокко Видодони ушбу мамлакатнинг мустақиллиги куни билан табриклади.

2020 йил 17-18 август кунлари Парламентлараро иттифоққа аъзо давлатлар парламентларининг раҳбар аёллари 13-саммити бўлиб ўтди. Форум БМТ билан ҳамкорликда видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилди. Саммитда 57 мамлакатнинг лидер аёллари қатнашди. Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси биринчи марта иштирок этди.

“Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ҳукумат қарори қабул қилинди. Қарорга асосан 2020 йил якунига қадар Самарқанд шаҳрида Туркия Республикасининг Бош консулхонаси очилади.


Боку шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Баҳром Ашрафоновнинг ушбу мамлакат президенти Илҳом Алиевга ишонч ёрлиқларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дилшод Аҳатов 19 август куни Шарда университетининг халқаро алоқалар бўйича вице-президенти Ашок Даряни билан учрашди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йили Ҳиндистонга давлат ташрифи чоғида эришилган келишувлар доирасида ўтган йил октябр ойида Андижон шаҳрида Шарда университети филиали ўз фаолиятини бошлаган эди. Учрашув чоғида Андижондаги университет филиали фаолияти ва истикболдаги режалар ҳусусида фикр алмашилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Хоразм вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор эълон қилинди.

Шавкат Мирзиёев: “ТЕМИР ИНТИЗОМ” ҲАММАМИЗ УЧУН ЭНГ БИРИНЧИ МАСАЛА БЎЛИБ ҚОЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 17 август куни хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



Тадбир аввалида бугун мамлакатимизда пандемия билан боғлиқ вазият таҳлил қилинди.

Жумладан, июл ва август ойларида коронавирусга қарши кураш бўйича ишлар кескин қучайтирилгани натижасида унга чалинганларга нисбатан соғайганлар сони анча ортгани кайд этилди. Хусусан, охириги 5 кунда тузалиб чиққанлар улуши 77 фоиздан 87 фоизга ошди. Даволанаётганлар сони 7 минг нафардан 4 мингга тушди.

Бунинг ортида, албатта, шифокорларимизнинг машаққатли меҳнати ётибди.

– Такрор ва такрор айтаман: ҳар бир фуқаронинг соғлиғи ва ҳаёти биз учун муҳим. Биз халқимизни коронавирус балосидан асраб қолиш учун барча куч-имкониятларни ишга соляпимиз, жаҳондаги энг илғор даволаш тажрибаларини олиб келаямиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Яқин кунларда Россиядан қирққа яқин, Хитойдан ўн нафар юқори малакали мутахассислар етиб келгани, уларни ҳудудларга тақсимлаб, жойларда беморларни энг самарали усуллар билан даволаш ва маҳаллий шифокорларни ҳам ўргатиш ишлари ташкил қилиниши таъкидланди.

Халқимиз ортиқча қийналмаслиги учун, фуқароларимизнинг мурожаатларидан келиб чиқиб карантин талаблари юмшатилади, лекин энди аҳоли жамоат жойларида кўпроқ бўлиши сабабли COVID-19 тарқалиши хавфи сезиларли даражада ошиши ҳам эслатиб ўтилди.

Шу боис, одамларга янада масъулиятли бўлиб, ўзларини ва яқинларини вирусдан ҳимоя қилиш бўйича талабларга қатъий амал қилишлари кераклигини тушунтириш, амалий ёрдам бериш ва назорат қилиш лозимлиги айтилди.

– “Темир интизом” ҳаммамиз учун энг биринчи масала бўлиб қолиши керак. Корхоналар, ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги соҳаси ва қурилиш майдонлари, транспорт ва жамоат жойларида ҳам ушбу талабларга қатъий амал қилиш зарур, – дея таъкидлади Президент.

Хорижда меҳнат қилаётган фуқаролар қўллаб-қувватланади

Таъкидланишича, хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш масаласи Ўзбекистон тарихида биринчи марта бундай форматда муҳокама қилинмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили 600-700 минг аҳоли меҳнат бозорига кириб келади. Иқтисодиёт тармоқларини ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича қўрилаган чоралар натижасида йилга 500 минггача иш ўрни яратилмоқда. Шунинг учун, қарийб 200 минг кишининг бандлигини ташқи меҳнат миграцияси орқали таъминлашга тўғри келмоқда. Бу табиий жараён, барча ривожланаётган давлатлар шундай босқичдан ўтган. Қерда меҳнат миграцияси тўғри ташкил этилган бўлса, бандлик, оилалар даромади, малакали мутахассислар кўпайган.

Кейинги йилларда хориждаги ватандошларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шарт-шароитларини яхшилашга эътибор қучайди. Россия, Қозоғистон, Туркия, Япония ва Бирлашган Араб Амириклари билан меҳнат миграцияси борасида халқаро шартномалар имзоланди. Чет элларда ишлаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун алоҳида жамғарма ташкил этилиб, 100 миллиард сўмдан ортиқ

маблағ ажратилди. Шу билан бирга, ташқи меҳнат миграция масалалари бўйича Бош вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Шунга қарамай, ечимини қутаётган муаммолар ҳали кўп.

Йиғилишда хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимизни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий ва маданий қўллаб-қувватлаш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда ҳокимликларга чет элдан қайтган фуқароларга касби, малакаси ва режасидан келиб чиқиб, иш топишига кўмаклашиш бўйича топшириқлар берилди.

Хорижда ўзбекистонликлар муносиб шарт-шароитларда меҳнат қилиши учун йирик иш берувчи компаниялар билан алоқаларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Бунинг учун, аввало, ўша корхоналар талабига мос малакага эга ва тил биладиган мутахассислар тайёрлаш зарур.

Шу боис бу борада янги тизим жорий этилиши белгиланди. Яъни, ҳудудлардаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги филиалларининг ваколатлари кенгайтирилиб, уларга хорижий иш берувчилар билан бевосита шартнома тузиш, миграция хизматлари билан музокаралар ўтказиш ҳуқуқи берилди. Бу филиаллар раҳбарлари вилоят ҳокимининг ёрдамчиси ҳисобланади.

Мутасаддиларга хорижий давлатлардаги йирик иш берувчилар билан музокара ўтказиб, ишчи ва мутахассислар юборишни кўпайтириш, меҳнат мигрантларига йўл ҳақи, патент ва суғурта харажатлари учун 10 миллион сўмгача паст ставкада кредитлар ажратиш бўйича; меҳнат мигрантлари ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш учун Хориждаги

фуқароларни ҳимоя қилиш жамғармасидан маблағ ажратиш бўйича курсатмалар берилди.

Шунингдек, чет эллардаги меҳнат миграциясига оид тартиб-таомилларни фуқароларимиз учун энгиллаштириш, юртдошларимиз кўп ишлайдиган шаҳарларда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхоналарини очиб бўйича топшириқлар берилди. Хориждаги фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, бу бўйича он-лайн платформа ва “кол-марказ” ташкил этиб, малакали адвокатларни жалб қилиш вазифалари қўйилди.

Хорижда ишлаб, малака орттириб қайтган фуқароларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда улар билан манзилли ишлайдиган, молиявий қўллаб-қувватлайдиган тизим яратилиши белгиланди.

Бунинг учун сектор раҳбарлари, меҳнат ва маҳалла идоралари вакиллари ўз ҳудуддаги шундай ташаббускорлар рўйхатини шакллантириб, уларнинг бизнес лойиҳаси билан танишди. Рўйхатдан ўтишга кўмаклашиб, 3 ойгача ижара тўловлари бўйича субсидия берилди. Шунингдек, тадбиркорликни бошлаш учун кредит ресурслари ажратилади ҳамда банк кредитлари таъминоти бўйича суғурта полиси харажатларининг бир қисми қоплаб берилди. Бу мақсадларга Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан йил якунига қадар 25 миллиард сўм, кредитлар учун 100 миллиард сўм ажратилади.

Яна бир масала – хорижда ишлаётган фуқароларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш тизимида атиги 4,5 минг нафар киши рўйхатга олинган. Шу боис мутасаддиларга ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш ва меҳнат стажини ҳисоблаш тизимини мигрантлар учун ҳам татбиқ этиш бўйича курсатма берилди.

Бош вазир ўринбосарларига ташкиллаган миграция бўйича иқтисодий, молиявий ва ташкилий-ҳуқуқий кўмак тизимини жорий этиш юзасидан алоҳида дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Унда мамлакатимизда касб ва тилга ўргатиш, хорижда ишлаш кўникмаларини шакллантириш, йўлқира, патент, суғурта, пенсия ва кредит масалалари қамраб олинади. Шунингдек, ҳукуматлараро комиссиялар доирасида хориждаги юртдошларимизга муносиб шарт-шароит яратиш, чет элдаги банклар орқали уларни кредитлаш механизмлари назарда тутилади.

Йиғилишда белгиланган устувор вазифалар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимлари, элчилар ахборот берди.

ТАТУГА ЎТГАН ЙИЛГА НИСБАТАН 40 ФОИЗ КЎП АБИТУРИЕНТ ЎЎЖЖАТ ТОПШИРДИ

Мана шу долзарб масалаларни амалга ошириш учун Тошкент ахборот технологиялари университети бу йилги 2020/2021 ўқув йилида бакалавриятнинг кундузги таълим шакли бўйича "Рақамли иқтисодиёт" (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши, магистратура таълим шаклида "Компютер графикаси ва дизайн", "Компютер илмлари ва дастурлаш технологиялари (йўналишлар бўйича)", "Геоахборот тизимлари ва технологиялари", "Маълумотлар илми (Data Science)", "Сунъий интеллект", "Оптик толали тармоқлар техник эксплуатацияси", "Мультипликацион филмлар технологиялари", "Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари" каби янги ва замонавий таълим йўналишлари очилди ҳамда абитуриентлар қабули амалга оширилди.

Ўтган 2019/2020 ўқув йилида университетга жами 15 843 нафар абитуриент ҳужжат топширган бўлса, бу йил 25 957 нафар абитуриент ўқишга кириш учун ҳужжат топширган. Яъни ўтган ўқув йилига нисбатан 10 114 нафар ёки қарийб 40 фоиз кўп ҳужжат қабул қилинди. Ёшлар орасида ТАТУда ўқиш истаги ортиб бормоқда.

Бугунги кунда Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида кундузги бакалавр таълим шаклида 6 486 нафар, махсус сиртки бакалавр таълим шаклида 261 нафар, иккинчи мутахассислик таълим шаклида 112 нафар, сиртки таълим шаклида 1068 нафар, магистратура таълим шаклида 390 нафар, жами 8 317 нафар талаба таъсил олмақда.

Сўнгги йилларда университетда бир қанча янги таълим йўналишлари ташкил этилиб, талабаларга жаҳон стандартларига мос билимлар берилмоқда. Хусусан, ТАТУда 2019/2020 ўқув йилида бакалавриятнинг кундуз-

ги таълим шакли бўйича "АКТ соҳасида иқтисодиёт ва менежмент" факултети негизида "Электрон тижорат" таълим йўналиши ташкил этилди ва талабаларга ушбу йўналиш бўйича таълим берилмоқда. Шунингдек, 2019/2020 ўқув йилида магистратура таълим шаклида "Тиббиётда компютер тизимлари", "Интеллектуал ахборот-коммуникация тизимлари" каби янги, замонавий йўналишлар очилди ва ушбу йўналишларга ҳам кадрлар тайёрланмоқда.

Бу йил абитуриентларнинг ҳужжатларини қабули жараёнида университет томонидан бир қанча амалий ишлар қилинди. Хусусан, абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига қулайлик яратиш, уларда мавжуд саволларга тезда жавоб бериш учун махсус "Call-markaz" ишга туширилган бўлиб, айна вақтда ҳам ушбу марказ ишлаб турибди. Шунингдек, университетнинг расмий веб-сайтида "Қабул-2020" бўлими очилди. Ушбу бўлимда абитуриентлар учун зарур бўлган барча маълумотлар, керакли йўриқномалар берилган.

ТАТУда нафақат қабул жараёнида, балки сентябр ойининг бошида ўтказилиши режалаштирилган Давлат тест имтиҳонлари учун ҳам бир неча амалий ишлар қилинмоқда.

Хусусан, университет талабалари томонидан 2020-2021-ўқув йили қабулида олий таълим маъмурадорларининг бакалаврият таълим йўналишлари учун тест синовларини ўтказиш режалаштирилган биналарнинг геоманзиллини кўрсатиб берадиган "ImtihonGo" номли махсус мобил илова ишлаб чиқилди. Мобил иловага Давлат тест маркази томонидан эълон қилинган 2020-2021 ўқув йили қабулида олий таълим маъмурадорларининг бакалаврият таълим йўналишлари учун тест синовларини ўтказиш


режалаштирилган жойларнинг геоманзиллари асос қилиб олинган ҳамда шу манзиллар иловага киритилиши режалаштирилган. Илова Google Playга жойлаштирилган.

Бундан ташқари, университет профессор-ўқитувчилари томонидан Давлат имтиҳонлари шаффолигини таъминлаш мақсадида бармоқ изи идентификацияси ёрдамида паспорт эгаси ҳақиқийлигини аниқлайдиган махсус ускуна яратилди.

Тизим шахсий паспорт маълумотларини текшириш ва рўйхатдан ўтказиш учун Regula 7024M.111 сканерларини, паспорт чипидаги бармоқ излари билан мувожаат этувчининг бармоқ изларини солиштириш учун BioLink U-Match 3.5 сканерларини (ариза берувчига тегишли паспортни текшириш) ўз ичига олади. Махсус дастурий таъминот биометрик маълумотларни олиш, қайта ишлаш ва сақлаш имкониятига эга.

Оддий сўз билан айтганда, Regula паспорт чипидаги маълумотларни ўқийди ва дастур барча маълумотларни кўрсатади, кейин бармоқ изи сканери абитуриентнинг бармоқ изини сканерлайди ва дастур уни паспорт чипидаги бармоқ изи билан таққослайди.

Университет талабаси бўлиш орузида ҳужжат топширган барча абитуриентларга омад тилаган ҳолда шуну айтмоқчимизки, ахборот технологиялари соҳаси шиддат билан тараққий этиб бораётган йўналиш, бу йўлни танлаган инсон эса домий равишда ўз устида ишлаши, инновацион технологияларини ўзлаштириш бориши лозим. Тошкент ахборот технологиялари университети бу йўлни танлаб, синовлардан муваффақиятли ўта олган барча бўлғуси талабалар учун улкан имкониятлар эшигидир.



ТЕСТ СИНОВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН ЖОЙЛАРДА ВИДЕОКУЗАТУВ КАМЕРАЛАР ЎРНАТИЛАДИ

Тест синовлари республикамиз бўйича, жами 40та объектда (стадионда) ташкил этилади. Шунда Тошкент вилояти ва Тошкент вилояти учун бта, Фарғона вилоятида ҳам бта, Самарқанд, Наманган, Сурхондарё вилоятларида 4тадан, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 2тадан, Сирдарё, Навоий вилоятларида 2тадан ҳамда Жиззах, Андижон ва Қашқадарё вилоятларида 1тадан жой белгиланган.

Тест ўтказиладиган аниқ манзиллар қўшимча равишда ОАВ орқали эълон қилинади. Стадионларга кириш алоҳида жорий қилинган назорат ўтказиш постлари орқали ташкил этилади. Худудда постларга олиб келувчи йўналишни кўрсатувчи алоҳида ва қулай йўлланмалар қўйилади.

Тест синовлари ўтказиладиган ҳудудларга кириш жойларида дезинфекция йўлаклари ташкил этилиб, иштирокчиларнинг тана ҳароратини ўлчаш ва антисептик воситалар билан таъминлаш ишлари бажарилади.

Тест синовлари ўтказиладиган жойларнинг барчаси видеокузатув камералар билан жиҳозланади.

Хавфсизлигини таъминлашга етарли даражада Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари, турғун ва қўлда олиб юрвчи металлдетекторлар, транспорт ва алоқа воситалари ҳамда хизмат итлари жалб этилади. Фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир куч ишлатар тизимда хизматга жалб этиш учун захира кучлари шакллантирилади.

Тест пайтида ота-оналар учун кутиш жойлари ташкил қилинмайди. 30 август кунидан бошлаб, тест ҳужжатлари Давлат фельдъегерлик хизматининг масъул ходимлари билан ҳамкорликда белгиланган манзилларга патрул автомашиналари ёрдамида, зарурий махсус воситалар билан таъминланган ички ишлар органи ходимлари томонидан кузатиб борилади.

Синовга келган ҳар бир абитуриент текширувдан ўтказилади. Шунинг учун абитуриентлар ўзлари билан ортиқча нарсаларни олиб келмасликларини сўраб қоламиз. Фақат шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлиши керак. Абитуриентлар сув, қалам, тегишли жиҳозлар, тиббий ниқоб билан таъминланадилар.

Ота-оналар ва яқинлар учун алоҳида кутиш жойлари ташкил қилинмайди. Тест ўтказиладиган жойларга олиб келувчи автомобил йўллари каммида 1,5 км. радиус масофада бетон тўсиқлар ёки юк автотранспорти билан тўсилади. Ушбу ҳудудларда ҳаракатланиш вақтинча чекланади. Фуқароларни ва автотранспорт воситаларини тўпланишига йўл қўйилмайди. Буларнинг барчаси зарурий ҳавфсизлик чоралари бўлиб, уларнинг бажарилиши қатъий назоратга олинади.

Абитуриентлардан тест топшириш жойларига каммида 1 соат олдин келишлари талаб этилади. Ҳозирда маҳаллий ҳокимликлар томонидан абитуриентлар учун алоҳида автобусларни ташкил этиш масаласи қўрилмоқда. Натижаси юзасидан қўшимча равишда ахборот берилади.

Қўшимча ва ўзгаришлар ҳақида расмий манбаларда эълон қилиниб борилади.

ОНЛАЙН ОРОМГОҲ

"Raqaamli avlod — 2020" — ёшларимиз учун ажойиб имконият!

ҳамда Adobe, Premiere Pro ёрдамида монтаж бўйича базавий билим олиши;

- Дизайн бўйича эса Figma онлайн сервисини ўрганиш, Adobe Illustrator ва Adobe Photoshopда ишлаш, шунингдек, изометрик иллюстрацияларни яратиши;
- Робототехникада – схематехника ва робототехника билимларини Arduino асосида ўрганишда.

Фрилансда – онлайн фриланс асослари, рўйхатдан ўтиш ва фрилансер сифатида ишлаш кўникмаларига эга бўлишда.

Яна бир эътиборли жиҳати, тadbирга АКТ соҳасидаги энг машҳур ва тажрибали маҳаллий ҳамда хорижий мутахассисларнинг жалб этилганидир. Бунда сиз спикерлар – "Angry Birds" мобил ўйини асосчиси – Питер Вестербака (Финляндия),

Googlени ривожлантирувчи эксперт – Эмад Эхсан, IT бўйича тadbиркор, инвестор, йирик IT лойиҳалар асосчиси – Бобур Акилханов, Meraki Marketing Agency ва Meraki Academy асосчиси – Шаҳбоз Долимов каби меҳмонлар маърузаларини тинглаш билан бирга ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб ҳам олишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш муддати: 22 август 22:00 гача. Айтганча, барча учрашувларни Youtube канали ёки ижтимоий тармоқлардаги куйидаги саҳифалар орқали тўғридан-тўғри кузатиб боришингиз мумкин: YouTube: Digital Generation Uzbekistan <https://www.youtube.com/channel/UCsiHXW4o5oOe135IHc8q7TQ>

Web-sahifa: www.digitalgeneration.uz
Instagram: @dugzbekistan
Facebook: @digitalgeneration.uz
Telegram: https://t.me/digitalgeneration_uz

4 | ИНТЕРВЮ

"UCCELL" раҳбари Владимир Кравченкодан ўзбек тилини ўрганиш, давлат тилида ишлаш бўйича**МАСТЕР-КЛАСС**

Ташқи кўриниши ва исми шарифидан бу йигитнинг ўзбек миллатига мансуб эмаслиги яққол кўриниб турибди. Аммо уни яқиндан танийдиган, биладиганлар ўзбек тилини ҳатто баъзи ўзбеклардан яхшироқ билади, дейишади. Нега дейсизми, чунки унинг ўзи айтишича, Алишер Навоий, Ойбек, Пиримқул Қодиров, Абдулла Қаҳҳор ва Саид Аҳмаднинг асарларини ўқиган. Ўқувчиларимиз хафа бўлишмасину, баъзиларимиз уларнинг ўзбек адабиётининг дурдоналари қаторидан ўрин олган асарларини ўқиш тугул, ҳатто беҳабармиз.



Бугунги сўхбатдошимиз сизу бизнинг узогимизни яқин, мушқуллимизни осон қилишда, юртимизда ахборот-коммуникация соҳаси ва технологияларини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган "COSCOM" МЧК ("Ucell" савдо белгиси) бош директори Владимир Кравченко.

У ёш бўлишига қарамай "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида турли лавозимларда фаолият юритган. Лекин бугун унга мобил алоқа хизмати ёки ахборот-коммуникация технологиялари мавзусига оид савол бермаймиз.

Сўхбат давомида гап ўзбек тилининг нуфузи ва мавқеини янада юксалтириш борасида улкан ишлар олиб борилаётган бир пайтда бошқа миллат вакили бўлишига қарамайдан унинг ўзбек тилида ҳечам қийналмасдан гапирishi, ўз фикрини ўзбек тилида тўлиқ ифода қилиши, умуман давлат тили ҳақида боради.

— Ўзбек тилини қачон ва қерда ўргангансиз? Ўз хоҳишингиз биланми ёки мажбурият юзасиданми?

— Ўзбек тилини болаликда, "Тўқмачи" маҳалласидаги дўстларим билан бирга ўйнаб, мулоқот қилиб ўрганганман.

Мен рус мактабида ўқиганман. Тўққизинчи синфгача ўзбек тилини унчалик яхши билмасдим. Албатта, тенгдошларим, маҳалладаги ўртоқларим билан гаплаша олардим. Аммо болаликдан ўзбек тилини ҳозирги даражада билади, деб ўйламанг.

Болаликда ўзбек тилида жудаям сода даражада гаплашардим. Фикрларим эркин ифодалар, ўзимни тушунтира олардим.

Ўзбек тилини Ислом университети қошидаги академик лицейга кириш учун тайёрларик кўриш жараёнида пухта ўрганганман. У ерда рус гуруҳлари йўқ эди ва тилни яхшилаб ўрганишга тўғри келди. Адабий ўзбек тилида сўзлашишни эса лицейда ўқийётганимда ўргандим.

Менинг ўзбек тилини яхши ўрганишимга адабиётшунос олим, Тошкент Ислом университети қошидаги академик лицейнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Омонулла Мадаев сабаби бўлган. У менга худди ўзбек ўқувчиларга қарагандай қарарди. "Алпомиш" дostonини худди бошқалар сингари ёддан айттирарди, ёнимни олиб, бошқалардан ажратмасди. Биз улар билан ҳатто Фарғона водийсига бориб, гулган ўрикларнинг соясида бахшилар мусобақаларини эшитганмиз.

Омонулла аканинг яхши маънода талабчанлиги ва ўзимнинг тиришқоқлигим

билан мен бир йилда ўзбек тилидаги билимимни ва даражамни анча яхшилаб олдим. Мадаев менинг тақдиримда катта роль ўйнаган. Рухлари шод бўлсин. Доим: "Сен кўпроқ шугулланишинг, кўпроқ гапиршинг керак, сенга рус бўлганинг учун енгиллик бермайман" деб такрор-такрор айтарди. Шундай қилиб, уч йил давомида ўзбек дўстларим билан ўқиб, ўргандим, ўзбек тили муҳитига шўнғиб кетдим.

Академик лицейдан сўнг мен Вестминстер университетида кирдим ва инглиз тилини чуқур ўргана бошладим.

— Бошқа миллат вакили сифатида бугун Ўзбекистонда давлат тилининг мавқеини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларга фикрингиз?

— Бир қанча вақт олдин мунозараларга сабаб бўлган ҳужжатларни тайёрлаш тартибини айтиб ўтишим мумкин.

Адашмасам, Адлия вазирлиги томонидан тақлиф қилинган тартибга кўра, давлат органлари ҳужжат лойиҳаларини, албатта, давлат тилида ҳам тайёрлашлари керак бўлади. Рус тилида ҳам тайёрлаш мумкин, аммо ўзбек тили билан биргаликда.

Давлат тилида матни бўлмаган лойиҳалар regulation.gov.uz порталига ўтказилмаслигини айтишим мумкин.

Бу, албатта, жуда тўғри қарорлар, ҳар қайси давлатда ҳам шундай иш тугилади.

— Сиз ҳақингизда гап кетганда Вазирлар Маҳкамасида ишлаб юрганида қарор ва бошқа ҳужжатларни ўзбек тилида ҳимоя қиларди, деган фикр билдирилади. Шу ҳақида гапириб берсангиз...

— Бу оддий иш жараёни, кўпчилик учун ўзбек тилида муҳокама қилиш қулайлиги ва мен ўзбек тилини яхши билганим сабабли шундай иш тутардим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментида ишлаган пайтларим барча ҳужжатларни ростдан ҳам ўзбек тилида топширардим.

Унгача "Ўзбектелеком" АҚда, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида ишла-

гандим. Ва бу ташкилотларда барча ерда ҳужжатлар ўзбек тилида расмийлаштирилди, бу менинг ёзма ўзбек тилини билишимга катта ёрдам берган ва Вазирлар Маҳкамасида барча ҳужжат лойиҳаларини ўзбек тилида тайёрлашимга катта кўмак бўлган.

Мантиқан бу тўғри, чунки мамлакатимизнинг 85 фоиз аҳолиси учун ўзбек тили она тили ҳисобланади. Ҳужжатларни рус тилида тайёрлаганда эса сўзма-сўз таржима давомида матннинг асл маъноси ўзгариб кетиши мумкин.

Шунинг учун ҳужжатни, аввало, ўзбек тилида тайёрлаб, кейин рус тилига таржима қилишга ҳаракат қилардим.

— Бугунги кунда вазирлик ва идораларда, ҳокимликларда раҳбарнинг давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчи-си лавозими жорий этилди. Сиз раҳбарлик қилаётган ташкилотда бу жараён қандай кечмоқда? Аниқроқ айтганда бўлса, Сизнинг маслаҳатчингиз борми?

— Менинг бундай маслаҳатчим йўқ, аммо давлат тили масаласида Жамоатчилик билан алоқалар бўлими ходимлари ва таржимонимиздан баъзида маслаҳат олиб тураман.

"Ucell" савдо белгиси олдин Швеция ва Финляндиянинг "Telia Company" компаниясига қаршли бўлгани учун корхонада ишчи тил сифатида инглиз ва рус тилларидан фойдаланилган.

Ташкилот тўлиқ давлат тасарруфига ўтганидан сўнг ҳужжатлар ўзбек ва рус тилларида юритила бошланди. Компанияда иш юритиш бўйича йўриқнома мавжуд бўлиб, унга кўра, барча ҳужжатлар давлат ва рус тилларида олиб борилади. Бу компаниянинг Низомиди ҳам ёзиб қўйилган. Бундай муносабатнинг натижасида ички интернет тармоғи ҳам икки тиллик бўлди.

Компания янгиликлари корпоратив сайтимида давлат, рус ва инглиз тилларида чоп этилади.

Мурожаатчиларга эса улар мурожаат қилган тилда жавоб қайтарамиз.

Бир қизиқ мисол келтираман. Ҳозирги карантин пайтида кўплаб ходимларимиз уйдан туриб ишлашапти. 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ишчиларимиз, турли миллат вакиллари бўлган йигит-қизлар Фафур Фуломнинг "Сен етим эмассан" шеърини ўқиб, видеоролик тайёрлади. Ва бу қисқа, эмоционал видеофилм икки тилдаги сатрлар билан ёзиб олинди. Асл тилида ва рус тилида – Анна Ахматова таржимасида.

— Фаолиятингиз талаби туфайли ижтимоий тармоқлардан кенгроқ фойдалансангиз керак. Биласиз, тармоқларда турли масалалар кенг жамоатчилик томонидан ҳар хил қарашлар билан мунокама қилинади. Бундай ҳолат давлат тилини янада кенгроқ жорий қилиш бўйича ҳам содир бўлди. Ижтимоий тармоқлардаги муҳокама тўғрисида фикрингизни билмоқчи эдик.

— Ҳар қандай вазиятда ҳам муҳокама-лар бўлгани яхши. Бу демократиянинг энг муҳим принципларидан бири. Жамиятимиз

аъзолари турли масалаларда ўз фикрларини айтиб ўтаётганларини қўллаб-қувватлайман.

Ҳар қандай конструктив фикр муҳокама-лар ривожланишига олиб келади.

Ҳар бир инсон ўзи яшаётган мамлакат тилини ҳурмат қилиши керак. Мен бу ерда қанақадир мажбурият ҳақида гапирмайман. Масалан, Россияда рус тилини билиш бўйича имтиҳон топширишади. АҚШда инглиз тилини билиш кераклигини эса ҳамма тушунади.

Тилга ҳурмат ҳақида гапирганимда, мен ўз тилида тўғри ёзишни унутиб қўйган айрим замонавий ўзбек ёшларини ҳам назарда тутаяпман. Ижтимоий тармоқлардаги баъзи постлар ва айниқса изоҳлар шунақанги "замонавий" тилда ёзилганки, уларни тушуниш учун ҳақиқий ўзбек адабий тилига таржима қилишга тўғри келади.

Аммо кўриниб турибдики, жамиятда бу муаммони англаш мавжуд ва биз биргаликда уни ҳал қилиш йўлларини қидираяпмиз.

Масалан, ўзбек тилини нолдан ёки чуқурроқ ўрганмоқчи бўлган кўплаб русийза-бонлар яхши, замонавий дарслик, сўзлаш-гичлар, малакали курсларнинг йўқлигидан нолишади. Буларнинг ҳаммасини тезроқ ҳал қилиш керак.

— Ўзбек тилини биласиз, демак ўзбек адабиёти ҳам сизга бегона эмас. Ўзбек тилида мутолаа ҳам қилиб турасизми?

— Кўпчилик ўқувчилар ёқтириб ўқийдиган китобларни мутолаа қилганман. Булар, албатта, Алишер Навоий лирикаси, Ойбекнинг "Навоий" романи, Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунар" асари, Абдулла Қаҳҳорнинг "Ўтмишдан эртақлар" ва "Синчалал", Саид Аҳмаднинг "Уфқ" трилогияси. Қизиқарли китоблар кўп.

Ҳозир Дана Кеннедининг "Қаттиққўл менежмент. Одамларни натижа учун ишлашга мажбурият" китобини ўқияпман.

Уйкув кетишдан аввал, албатта, камида бир неча саҳифа мутолаа қиламан. Қоидам шунақа.

— Ўзбек тилини ўрганаётганларга бу борда қандай тавсиялар берган бўлардингиз?

— Кўпроқ мулоқот қилиш, ўзбек тилида телекўрсатувлар, кино томоша қилиш, китоб ўқиш зарур. Бу сўз бойлигини орттиришга ёрдам беради.

Мен ўзбек тилидаги бирорта китобини олиб, бошидан охиригача ўқиб чиқшни тавсия қилган бўлардим.

Масалан, Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романини.

У кўплаб тилларга таржима қилинган, жумладан, рус ва инглиз тилларига ҳам. Бу тил билишингизда катта қадам бўлади.

Ўзбек тилида ёзидиган блогерларнинг телеграм каналларини ўқиб бориш ҳам фойдадан холи эмас. Улар тезкор, қизиқарли ва кўркмасдан ёзишади. Аммо интернетдаги "ўзбек тили"да ёзидиганларини эмас, ҳақиқий адабий тилдагиларни ўқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбек тилида мутолаа қилиш одатга айланиши керак. Мен буни муваффақият калити, деб ҳисоблайман.

Нурулла АБДУЛЛАЕВ сўхбатлашди.

Вақт олий ҳакам. Мана 2020 йилнинг саккизинчи ойи ҳам якунига етмоқда. Ўтган шу муддатда соҳа корхона ва ташкилотлари томонидан қандай ишлар амалга оширилди, олдиларида қандай вазифалар турибди? Газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб газета-хонларни ҳудудларда бажарилган ва амалга оширилаётган ишлар билан таништириб боришни мақсад қилдик. Дастлабки ҳикоямиз Сурхондарё вилоятидан. Марҳамат танишинг.

ИШЛАР БИР МАРОМДА ДАВОМ ЭТМОҚДА...

Рақамли иқтисодиётни изчил ривожлантиришнинг биринчи ва энг муҳим омил – замонавий АКТ инфратузилмасини яратишдир. Бу бўйича бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида Сурхондарё вилоятида ҳам ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасида ҳам кўзга кўринарли ишлар қилинди.

Айтиш жоизки, шу кунга қадар асосан телефон хизматларини кўрсатувчи мобил тармоқларни кенгайтириш амалга оширилган бўлса, ҳозирда тармоқнинг қамровини ошириш бўйича барча лойиҳалар 3G/4G тармоқларини кенгайтиришга йўналтирилмоқда. Жумладан, жорий йил мобайнида вилоятимизда 165та таянч станцияси ўрнатилиши режалаштирилган.

Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилининг биринчи ярим йиллиги мобайнида мобил алоқа операторлари томонидан жами 160та “Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиали томонидан 11та, “Мобуз” МЧЖ 83та, “Unitel” МЧЖ 45та, “Coscom” МЧЖ 21та) мобил алоқа таянч станцияси ўрнатилган бўлса, 334та объектда жойлашган таянч станцияларини модернизация қилиш оралиқ кенг полосоли интернет хизматларини тақдим этиш имконияти яратилди. Аҳоли масканларининг мобил алоқа қамрови даражаси 98 фоизга ва кенг полосоли интернет тармоғига улашни қамрови 78 фоизга етказилди. Бу йўналишда ишлар изчил давом этмоқда.

Энг муҳими, мобил алоқа тармоқлари қурилмаларини вилоятнинг олис ва тоғли, мобил алоқа қамрови мавжуд бўлмаган ҳудудларга ўрнатилишига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини эътироф этиш жоиз. Жумладан, мобил алоқа операторлари томонидан вилоятдаги алоқа қамрови мавжуд бўлмаган Сарийосиё туманининг Боғи Самарқанд, Даракистон, Узун туманининг Томчи, Бойсун туманининг Мунчок ҳамда Шеробод туманининг Майдон аҳоли масканларига база станциялар ўрнатилиб, мобил алоқа қамрови билан таъминланди.

Бундан ташқари, жорий йил якунига қадар Олтинсой туманининг Бештахта, Ҳовуз, Оқсув, Чулдира, Зардакул, Чуқур Обшир, Бойсун туманининг Паданг, Денов туманининг Ушор, Сарийосиё туманининг Хуфар, Карш, Маланд, Хўжаасмин, Чош ва Шеробод туманининг Қизиллола аҳоли масканларини алоқа қамрови билан таъминлаш бўйича вилоятдаги мобил алоқа операторлари томонидан қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим омилларидан бирidir. Хусусан, 46,5 минг порта тенг 30та GPON станцияси ишга туширилди, магистрал телекоммуникация тармоқлари инфраструктурасини ривожлантириш мақсадида вилоятнинг Шеробод, Музробод, Қизириқ, Жарқўргон, Денов ва Бойсун туманла-

рида 65 километр оптик толали тармоқ қуриш ишлари олиб борилмоқда, Термиз шаҳри ва барча туман марказларидаги 15та объектларда DWDM қурилмалари ишга туширилди. Сурхондарё вилоятида IMS технологияси асосида коммутация қурилмалари ўрнатиш лойиҳаси бўйича Термиз шаҳрида медиашлюз ва коммутатор қурилмалари ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2019 йил 30 апрел ва 1 май кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи доирасида вилоятдаги барча умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш учун зарур телекоммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш белгилаб берилган. Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбектелеком” АК Сурхондарё филиал томонидан жорий йилда жами 672та (382та халқ таълими, 154та мактабгача таълим ва 131та соғлиқни сақлаш муассасалари) ижтимоий инфратузилма объектларига 550 км.дан ортиқ оптик толали тармоқ қурилган. Ушбу мақсадлар учун 668,337 млн. сўм миқдоридан маблағ ўзлаштирилган. 2021 йилда барча ижтимоий соҳа объектлари юқори тезликдаги интернет билан таъминланади ҳамда олис чекка ҳудудлардаги аҳоли масканларида ҳам телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилади.

2020 йил давомида “Ўзбектелеком” АК Сурхондарё филиал томонидан 704 км. оптик толали алоқа линиялари қурилиши режалаштирилган. Шундан жорий йилнинг январ-июл ойларида 550 км.дан ортиқ тармоқ қурилиб, ОТАЛ тармоғининг умумий узунлиги 2050 км.га етказилди.

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиалида 14та туман ва 1та шаҳар почта алоқаси боғламаси, 106та алоқа бўлими мавжуд бўлиб, мазкур объектлар орқали аҳолига 10дан ортиқ турдаги аънавий ва қўшимча почта хизматлари кўрсатиб келинмоқда. 2019 йилда 20та, 2020 йилнинг биринчи чорагида 10та почта алоқаси объекти тўловларни онлайн тартибда амалга ошириш учун замонавий компьютер ва оргтехника воситалари билан жиҳозланди. Шу билан бирга, 2019 йилда 18та почта алоқаси объектларида тадбиркорларнинг ишлаб чиқарётган маҳсулотларини электрон тижорат орқали республика ҳудудида еказиб бериш ҳамда хорижий давлатлар интернет савдо майдончалари орқали сотиш хизмати йўлга қўйилди.

Бугунги кунга келиб жами 106та почта алоқаси бўлиmlарининг 55таси тўлиқ автоматлаштирилган ва замонавий компьютер техникалари билан жиҳозланган. Шу билан бирга, аҳолига қулай шароитлар яратиш ва филиал даромадларини ошириш мақсадида вилоятдаги аҳоли гавжум жойларда қўшимча 31та энгил конструкцияли тўловларни қабул қилиш кассалари ўрнатилди.

Вилоят ҳудудида ўрнатилган бта юқори ва 82та кам қувватли рақамли телевидение узатгичлари орқали аҳоли 100 фоиз рақамли телевидение қамрови билан таъминланган. Бундан ташқари, телевидение хизматларидан фойдаланувчиларнинг талабини қондириш мақсадида, 2019 йил 4 апрел куни Термиз шаҳрида “UZDIGITAL TV” компаниясининг сотиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўлими иш фаолиятини бошлади. 2020 йил 9 май куни савдо офиси томонидан Хотира ва Кадрлаш кунини муносиб ўтказиш мақсадида 42 нафар уруш қатнашчисининг 28 нафарининг уйига телекарта ва тюнор қурилмалари ўрнатилди.

2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган 5та муҳим ташаббуснинг учинчи ташаббуси доирасида Ангор туманида Рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этилди. Ҳозирги кунда Термиз шаҳри, Сарийосиё ва Узун туманларида Рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этиш мақсадида қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Ўзбекистон Республикасига корона-вируснинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш бўйича республика махсус комиссиясининг тегишли баённомалари ижросини таъминлаш мақсадида Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш ва волонтерлар марказининг Термиз шаҳри ва туманларда ташкил этилган “Call-Center”лари учун 1197, аҳолининг пандемия даврида ўз уйларида ўтирган ҳолда коронавирус инфекцияси бўйича саволларига вақтида тезкорлик билан жавоб бериш мақсадида ташкил этилган “Call center” учун 1105 қисқа рақамлари тақдим этилган. Шунингдек, вилоятимизда Covid-19 ташхиси қўйилган ва даволанаётган беморларни даволаш жараёнида республикамиздаги нуфузли тиббиёт муассасаларининг профессор ҳамда даволовчи врачлари билан онлайн мулоқот ўрнатиш мақсадида карантин объектларига планшет қурилмалари тақдим этилиб, видеооқфенцалоқа тизими ташкил этилди. Термиз туманида ташкил этилган махсус карантин ҳудуди учун 250 дона, вилоятдаги тиббиёт муассасалари учун 170 дона “ЎзМобайл” стационар ва мобил қурилмалари берилди.

Бундан ташқари, коронавирусга қарши кураш доирасида Термиз шаҳри “Сурхон” спорт мажмуаси ва “Алпомош” кураш мажмуаларида ташкил этилган тиббий марказлари симли телефон алоқаси ва интернет хизматлари билан таъминланди. Симли ва мобил алоқа хизматлари узлуксиз ишлаши чоралари қурилмоқда.

Саидахмад ШАЙМАРДОНОВ,
АКТ вазирлиги Сурхондарё
вилояти ҳудудий бошқармаси
бошлиғи ўринбосари



КОМПАНИЯ HUMANS СТАЛА ПЯТЫМ GSM ОПЕРАТОРОМ В УЗБЕКИСТАНЕ

Компания Humans подвела итоги двух месяцев работы и раскрыла ближайшие планы развития. В число анонсированных продуктов вошли услуги мобильного оператора, банковская карта и развитие онлайн-витрины товаров и услуг. Компания также начислила всем своим лояльным клиентам по 15 тыс. бонусных сумов каждому.

"Для начала, я хочу внести ясность в статус Humans в Узбекистане. Мы – пятый сотовый оператор в республике (прим.ред. стандарта GSM).

Компания получила все необходимые лицензии для старта своих услуг.

Мы полностью изменим представление о том, какой должна быть мобильная связь в Узбекистане. Вы сможете сами выбрать, сколько трафика вам нужно: мало минут и много гигабайтов, или много минут и мало гигабайтов.

Вы сможете полностью отказаться от пакета трафика, и наоборот – подключить себе безлимит на три, десять или тридцать дней", — сказал основатель и руководитель



Humans Владимир Добрынин.

Банковская карта Humans – карта платежной системы VISA со счетом в суммах. Карта принимается не только в магазинах по всему Узбекистану, но и везде за рубежом.

ОНЛАЙН-МЕРОПРИЯТИЕ

КРУПНЕЙШИЙ РЕГИОНАЛЬНЫЙ ОНЛАЙН САММИТ IDC FUTURE OF ENTERPRISE DIGITAL SUMMIT

24 сентября 2020 года международная аналитическая компания IDC проведет крупнейшее региональное онлайн-мероприятие IDC Future of Enterprise Digital Summit. В саммите примут участие представители Центральной Азии, Азербайджана, Монголии, Грузии и России.

IDC Future of Enterprise Digital Summit 2020 задуман как мероприятие для руководителей высшего звена различных бизнес-направлений для обмена информацией, опытом и мнениями о том, какое оно, предприятие будущего, какими обязательными атрибутами должно обладать, чтобы успешно функционировать, динамично развиваться, привлекать и удерживать лучшие таланты. В программе: выступления ярких спикеров, полезные цифры, прогнозы, дис-



куссии, качественный нетворкинг, выставка решений технологических лидеров.

Основные темы:

- Будущее цифровых инноваций
- Будущее работы.
- Будущее ИТ-инфраструктуры.
- Будущее Интеллекта.

РОБОТЫ

КАФЕ STREET 77 В ТАШКЕНТЕ НАЧАЛО ТЕСТИРОВАТЬ РОБОТА-АССИСТЕНТА

Как мы сообщали ранее, студенты Туринского политехнического университета при содействии Научно-практического центра при Мининноваций создали робота NovAssistant.

Одним из первых потестировать возможности робота решили в столичном кафе Street 77:

"Он встречает посетителей, принимает заказы и даже приносит еду гостям. Клиенты могут выбрать блюдо, используя специальный дисплей, а сотруд-



ники заведения, в свою очередь, задают номер столика", — говорит Эльер Халимжонов, руководитель Street 77 и WOK.

Таким образом минимизируется контакт между людьми,

что важно в нынешней эпидемической обстановке, поясняет предприниматель. По его словам, робот-официант стал своеобразной "фишкой" заведения, что уже сказалось на его популярности.

Элер Халимжонов также заявил, что компания всерьез рассматривает покупку NovAssistant.

Средняя стоимость таких роботов составляет 25–45 млн. сумов, в зависимости от конфигурации, говорили в Мининноваций.

ПРИЛОЖЕНИЯ

ВЛАДЕЛЬЦЫ IPHONE В УЗБЕКИСТАНЕ МАССОВО УСТАНОВЛИВАЮТ VPN-ПРИЛОЖЕНИЯ

Пользователи iOS в Узбекистане массово устанавливают VPN-приложения, следует из данных сервиса мобильной аналитики App Annie.

На 17 августа четыре из пяти самых скачиваемых приложений — VPN. Подобная ситуация наблюдается впервые за последние три года:

Интерес к VPN со стороны пользователей Android намного ниже. В начале июля в Узбекистане снова начала расти популярность мобильного VPN. Это совпало с возобновлением проблем с доступом к Facebook.



Как сообщает Gizmochina, компания Xiaomi представил компьютер Ningmei Soul G16 в десктопном формате, который будет предлагаться за 260 долл., но при этом нацелен на игровые приложения.

Линейка состоит из трех моделей — Share (\$260), Fun (\$375) и Enjo (\$435).

Компания ZTE сообщила, что 1 сентября официально будет представлен 5G Axon 20, по ее утверждению, это будет первый в мире серийный 5G-смартфон с камерой под дисплеем.

Отмечается, что ZTE удалось достичь многих прорывов в сфере экранов для смартфонов. В их числе — создание первого в мире экрана, чувствительного к нажатию, первого в мире смартфона с экраном 3D Naked Eye, а также первого в мире смартфона со складным двойным дисплеем.

Как сообщает Financial Times, компания Oracle начала переговоры с ByteDance о покупке сервиса TikTok, работающего в США, Канаде, Австралии и Новой Зеландии.

Отмечается, что Oracle работает с группой инвесторов, которые уже имеют доли в ByteDance, в частности с General Atlantic и Sequoia Capital.

Напомним, что активные переговоры с ByteDance ведет Microsoft. Кроме того, проходила информация, что в этом активно участвует правительство США, в частности министр финансов США Стив Мнучин.

Стоит отметить, что Ларри Элиссон, глава Oracle, один из немногих, кто открыто поддерживал Дональда Трампа в период его избрания на пост президента США.


Но зачем компании, которая работает исключительно с корпоративным сегментом TikTok — этот вопрос остается открытым.

Смартфоны под брендом BlackBerry возрождаются в 2021 году. Владелец прав на бренд ранее была китайская TCL, которая порядка двух лет выпускала смартфоны под маркой BlackBerry.

Но в начале этого года стало известно, что бренд смартфонов покидает рынок, а последней его моделью была модель KEY2 LE, выпущенная два года назад.

Однако, как стало известно, смартфоны под брендом BlackBerry снова появятся в продаже. По предварительным данным, это произойдет в следующем году, при этом права на использование торговой марки будут принадлежать другим компаниям. Если верить источникам, то владельцами прав на BlackBerry станут Onward Mobility и FIN Mobile Limited.

Они планируют выпустить целую линейку смартфонов, работающих под управлением Android. Есть данные, что первая модель будет оснащена QWERTY-клавиатурой и получит поддержку сетей пятого поколения.



“НОБЕЛ МУКОФОТИНИ ҚЎЛГА КИРИТМОҚЧИМАН”

Лондондаги Қироллик коллежи докторанти Малика Каримова билан суҳбат

“Хабар” хориждаги ватандошларимиз билан интервьюларни давом эттиради. Бугунги суҳбатдошимиз Малика Каримова тиббиёт йўналишида (“Оғиз шиллиқ қавати микробиомининг пуфакли дерматозларда бўлган аҳамияти”) Буюк Британиядаги Лондон Қироллик коллежи докторантурасида таҳсил олмоқда.

— Малика опа, тиббиёт соҳасига қандай кириб келгансиз?

— Буюк испан рассоми Пабло Пикассонинг онаси ёшлигида шундай деган экан: “Аскар бўлсанг бир кун келиб генерал бўласан, роҳибликни танласанг Рим Папаси бўласан. Мен эса рассомлик касбини танлаб Пикассо деган номга сазовор бўлдим...”

Мен ҳам тиббиёт соҳасини танлашимга онамнинг кучли мотивацияси сабаб бўлган. Болалигимдан улар менга доктор бўлиб дунёга машхур олима бўласан, деб кўп гапирардилар. Шунинг учун ҳеч қачон бошқа касбда ўзимни тасаввур қилмаганман. Ишонасизми, болалик давримда кўғирчоқлар ўрнига балиқлар, қурбақалар устида тажрибалар ўтказиш мен учун қизиқарлироқ эди.

Дастлаб, Тошкентдаги кимё ва биология йўналиши мавжуд гимназияда таълим олдим. Сўнг 2003-2010 йиллар Тошкент тиббиёт институтида ўқидим. Ўша йиллари кунларнинг бирида профессор Адхам Шавкатович Ваисовнинг маърузасидан кейин тери касалликлар йўналишини танлашимни тушуниб етдим.

Ҳозирги кунда, аниқроғи икки йилдан буён Буюк Британиянинг Лондон Қироллик коллежида “Оғиз шиллиқ қавати микробиомининг пуфакли дерматозларда бўлган аҳамияти” йўналиши бўйича таълим оляпман.

— Илмий ишингиз долзарблиги қай даражада ва

мавжуд қандай муаммо ечимига қаратилган?

— Илмий ишим терининг аутоиммун пуфакли касалликлар сабабини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат. Очиғи, Ўзбекистонда бу касаллик билан оғриётганлар сони тобора ўсиб бормоқда. Аммо бу касаллик кам ўрганилган. Шу боисдан мен ушбу йўналишни танлашга қарор қилдим. Илмий раҳбарим, профессор Жейн Сеттерфилд дунёда шу касалликлар бўйича энг илғор мутахассислардан бири.

Қолаверса, илмий ишимга тажрибали доктор Дэвид Мойес ҳам ўзининг қимматли тавсиялари билан ёрдам бериб келмоқда.

— Ўзингиз илмий излашни олиб бораётган коллеж ҳақида кўпроқ маълумот берсангиз?

— Лондон Қироллик коллежи 1836 йилда ташкил қилинган. Англиядаги энг катта, энг қадимий ва нуфузли олийгоҳлардан бири. Коллеж Оксфорд ва Кембриж университетлари билан бир қаторда “Олтин учбурчак” деб номланган.

Шу билан бирга Буюк Британия университетларининг элита уюшмасига киритилган. Таълимда ҳам, тақдиқотда ҳам катта имконият ва ютуқларга эга. Эътиборлиси, Қироллик коллежи халқаро университетлар рейтингида 25-ўринни эгаллайди ва индивидуал фанлар бўйича дунёдаги энг кучли ўнталиқ кирган.

Қолаверса, мен илмий иш олиб бораётган факултет шу йили дунё рейтинги бўйича биринчи ўринни эгалади.

— Тиббиёт соҳасидаги тадқиқотчи сифатида коронавирус бўйича фикрларингиз қандай?

— Бугунги кунда бутун дунё олимлари COVID-19 вирусини чуқур таҳлил қилишга ва имкон қадар эртароқ вирусга қарши вакцина ишлаб чиқишга ҳаракат қилишмоқда.

Хусусан, мен илмий излашни олиб бораётган Лондон Қироллик коллежи ҳам коронавирусни ўрганишда фаол ишлар олиб борапти. Ўтган вақт ичда жуда кўп илмий тадқиқотлар қилинди, чунки Европа мамлакатлари орасида Буюк Британия ко-



ронавирусдан энг кўп азият чеккан давлатлардан бири бўлиб қолмоқда.

Гарчи коронавирус нафас олишнинг жиддий патологиясини келтириб чиқариши билан машхур бўлса-да, ҳозирги кунда у бошқа тизимларга ҳам таъсир қилиши ва ўзга кўринишга олиб келиши ўрганилмоқда. Бундай ҳолатларга юрак дисфункцияси ва аритмиялар, ўткир буйрак шикастланиши, ошқозон-ичак симптомлари, неврологик касалликлар ва тери томондан ҳам кўп асоратлар кўрилмоқда. Тери мутахассиси сифатида мен ана шу асоратларни ўрганапман.

Фурсатдан фойдаланиб барча юрдошларимизга гигиени қоидаларга қатъий амал қилишларини сўраб қоламан. Боиси коронавирус ҳали тўлиқ тадқиқ

қилингани йўқ. Унинг келгусида қандай асоратлар пайдо қилишини яхши билмаймиз. Кундан-кунга янгидан-янги хулосалар эълон қилинмоқда. Шундай экан, ўзимиз ва яқинларимиз соғлиғига жавобгар бўлиб, эҳтиёт чоралари билан яшашни ўрганишимиз керак.

— Бўш вақтларингизда нималар билан шугулланасиз?

— Дадам тарих фанлари профессори бўлгани учун, тиббиётдан ташқари тарих ва санъатга жуда қизиқаман. Бўш вақтимда музейларни кезишни, машхур рассомлар фаолиятини ўрганишни, опера ва балет томошаларига боришни ёқтираман. Кортлар очик бўлган пайти кўпроқ теннис ўйнашга ҳаракат қилардим. Бироқ, ҳозирги коронавирус пайтида бадиий

адабиётлар ўқияпман. Мен охириги ўқиган, ёқтирган асар — Вольтернинг “Кандид” фалсафий романи бўлди.

Асар қахрамонлари бахт қидириб дунёни кезади. Ҳикоянинг охирида эса, қахрамонлар Константинополда маҳаллий дарвешдан ҳақиқий бахт нима эканлигини билишади. Маҳаллий дарвешга кўра, бахтнинг рецепти жуда оддий — инсон атрофдаги ҳаётнинг ташвишларини унутиб танлаган касбига ўзини бағишлашдир. Мазкур асарни албатта ўқиб чиқишни тавсия қиламан.

— Келгусидаги режаларингиз?

— Нобел мукофотини қўлга киритиш.

Нурилло Тўхтасинов суҳбатлашди

**Зотилжам (пневмония)
бугунга келиб янада
долзарб
муаммолардан бирига
айланиб қолди.
Мазкур касалликни
даволашда эришилган
катта ютуқларга
қарамай, у ҳамон
ўлимнинг асосий
сабабчиларидан бири
бўлиб қолмоқда.**

Турли вируслар ва стафилококк инфекцияси, шунингдек, вирус-бактериал кўзгатувчилар чақирган зотилжамлар фарқланади.

Антибиотиклар билан даволанганда кутилган натижа чиқмаса, демак вазият жиддий. Бу, айниқса, бактерияларнинг биратўла бир қанча турлари келтириб чиқарган зотилжамга тааллуқли.

Ёш болаларда кўп учраши эса нафас аъзоларининг анатом-физиологик хусусияти билан боғлиқ.

Ўпка анатомияси ва физиологияси

Зотилжам – жиддий касаллик. Ўпка ва танада нима содир бўлишини яхшироқ тушуниш учун эътиборимизни ўпка анатомияси ва физиологиясига қаратамиз.

Ўпка кўкрак қафасида жойлашган. Ҳар бир кўкрак сегментларга бўлинган. Унг ўпка учта, чап ўпка иккита сегментдан иборат. Юрак устида жойлашгани учун чап ўпка ўнгига қараганда тахминан 10 фоиз кичкина.

Ўпка бронхиал дарахт ва алвеолалардан иборат. Бронхиал дарахт ўз навбатида бронхлардан ташкил топган. Бронхлар турли катталиқда (калибр) бўлади. Яъни, катта калибрдан майда бронхларгача чўзилади: бу бронхиал дарахт дейилади. У нафас олганда ва чиқарганда ҳавони ўтказишга хизмат қилади.

Бронхиолалар диаметри кичрайиб, нафас бронхиолаларига ўтади ва охирида алвеоляр халтачада тугайди. Алвеола девори қон билан яхши таъминланади, бу газ алмашинувига имкон беради.

Алвеола ички томонидан ўзига хос модда (сурфактант) билан қопланган. У микроорганизмлардан ҳимоялашга, микроб ва микроскопик чангларни чиқариб юборишга хизмат қилади.

Ёш болаларда нафас аъзоларининг ўзига хослиги

Ёш болаларда ҳиқилдоқ, трахея ва бронхлар тор бўлади. Бу балғамнинг нафас йўлларида туриб қолишига ва уларда микроорганизмлар кўпайишига олиб келади.


Чақалоқларда қовурғалар горизонтал ҳолатда ва қовурғалар орасидаги мушаклар етарлича ривожланмаган бўлади. Бу ёшдаги болалар узоқ вақт горизонтал ҳолатда ётиши натижасида қон айланишининг туриб қолишига олиб келади.

Нафас мушакларининг нерв регуляцияси такомиллашмагани боис бу нафас етишмовчилигини келтириб чиқаради.

Зотилжам турлари

Ўткир зотилжам яққол аломат билан намоён бўлади ва тўрт ҳафта давомида тузалиб кетади.

ПНЕВМОНИЯ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?



Сурункали зотилжам секин кечувчи яллиғланувчи жараён бўлиб, тўрт ҳафтадан узоқроққа чўзилади.

Шунингдек, бир томонлама (ўпканинг биттаси) ва икки томонлама (ўпканинг иккитаси) турлари фарқланади.

Келиб чиқиш сабаблари

Зотилжам – инфекция касаллики. Уни турли микроорганизмлар чақиради. Олимларнинг фикрича, беморларнинг 50 фоизда зотилжам сабаби номаълумлигича қолади. Эрта ёшда зотилжам кўзгатувчилари кўпинча стафилококк, микоплазма, микровирус, аденовируслар бўлади.

Энг хавфлиси аралаш вирус-микроб инфекцияси саналади. Вируслар нафас йўллари шиллиқ қаватини зарарлайди ва микроб флорасига йўл очиб беради. Улар зотилжамнинг кечишини оғирлаштиради.

Бугунги кунда коронавирус кўзгаётган зотилжам ҳаёт учун ўта хатарлиси бўлиб қолди. Ундан бутун дунёда минг-минглаб одамлар вафот этмоқда.

Катталарда зотилжам ривожланишининг хавфли омиллари:

Доимий стресслар танани ҳолдан тойдиради.

Тулақонли овқатланмаслик. Мева-сабзавотлар, балиқ, ёғсиз гўшти етарли тановул қилмаслик.

Иммунитет заифлашиши. Тананинг химоя функциялари пасайишига олиб келади.

Тез-тез шамоллашлар инфекциянинг сурункали ўчоғини вужудга келтиради.

Чеккиш. Чекканда бронх ва алвеола деворлари турли зарарли моддалар билан қопланиб, сурфактант ва ўпканинг бошқа тузилмалари меъёрда ишлашига йўл қўймайди.

Алкоголли ичимликларга ружу қўйиш. Сурункали касалликлар. Айниқса, пие-

лонефрит, юрак етишмовчилиги, юрак ишемик хасталиги хатарли.

Болаларда зотилжам ривожланишининг хавфли омиллари:

ЛОР аъзоларда инфекцияларнинг сурункали ўчоғи (ангина).

Боланинг совқотиши ёки қизиби кетиши. Пала-партиш кун тартиби. Уйқуга тўймаслик (мактабгача ёшдаги болаларда 10 соатдан кам ухлаш), тоза ҳавода кам бўлиш.

Чиниқиш ва жисмоний тарбиянинг етишмаслиги.

Эпидемиологик тартибга амал қилмаслик. Бир нечта бола касалланган болалар жамоасида инфекция йўталганда, аксирганда, гаплашганда, бақирганда соғлом кичкинтойларга юқади. Шу боис хаста болалар касаллик пайтида уйда қолиши зарур.

Аломатлари

У ўпка шикоятлари билан боғлиқ бўлади: интоксикация, нафас етишмаслиги.

Касаллик аста-секин ёки бирдан бошланиши мумкин.

Зарарланиш аломатлари:

Тана ҳароратининг 37.5 дан 39.5 даражача кўтарилиши;

бош оғриғи;

аҳвол ёмонлашиши: ланжлик ёки жонсараклик, теваарак-атрофга қизиқмаслик, уйқу бузилиши, тунда терлаш.

Ўпка аломатларидан бири сифатида йўтални ажратиб кўрсатиши мумкин. У дастлаб қуруқ бўлади, маълум вақтдан сўнг (3-4 кундан кейин) намланиб, кўп балғам ажрала бошлайди. Одатда балғам қизғиш рангда бўлади: чунки унда эритроцитлар мавжуд.

Қизғиш балғамли йўтал асосан каттароқ ёшдаги болаларда кузатилади. Йўтал бронх ва трахея шиллиқ қавати яллиғланиши натижасида, шунингдек, яллиғланиш медиаторлари ёки механик (балғам-

ли) кўзгатишлар таъсирида келиб чиқади.

Шиш ўпканинг меъёрда ишлашига халақит қилади ва шу боис йўтал ёрдамида тана уни тозалашга уринади. Йўтал 3-4 кундан ортиқ давом этганда ўпканинг барча тузилмалари катталашади, шу боис эритроцитлар томирлардан бронх йўлларига тушади ва у ерда балғамга қизғиш тус беради.

Йўталдан ташқари ўпканинг зарарланган томонида оғриқ пайдо бўлади. Оғриқ одатда нафас олганда кучаяди.

Ўпка етишмовчилиги аломатларига нафас қисиши, бурун-лаб териси цианоз (кўкариши) каби белгилар киради.

Нафас сиқиши кўпинча икки томонлама зотилжамда юзага чиқади, нафас олиш қийинлашади. Бу тўқималарнинг кислород билан тўйинмаслигига олиб келади. Ўчоқ қанча кенг бўлса, нафас қисиши шунча кучли кечади.

Масалан, бир ёшдан катта болаларда нафас тезлашиши (дақиқасига 40 мартадан зиёд) ўпка яллиғланишининг асосий белгиларидан биридир. Бурун-лаб бурчаниннинг кўкариши, айниқса, кичик ёшдаги болаларда яхши сезилади (эмизганда), бироқ катталарда ҳам учрайди. Цианозга ҳам кислород етишмаслиги сабаб бўлади.

Зотилжамнинг кечиши: касалликнинг давомийлиги тайинланган муолажа самараси ва тана реактивлигига боғлиқ. Антибиотиклар пайдо бўлгунча қадар иситма 7-9 кунда тушган. Антибиотиклар билан даволаганда иситма эртароқ тушиши мумкин. Секин-аста беморнинг аҳоли яхшиланади, йўтал намроқ бўлади.

Агар инфекция аралаш (вирус-микробли) бўлса, касаллик бўйрақ, жигар, юрак-қон томир тизимини зарарлаши мумкин.

Қандай ташхисланади?

Борди-ю, зотилжам борлигига гумон қилинса, албатта шифокорга (терапевт ёки

педиатр) мурожаат этиш зарур. Тиббий текширувсиз зотилжам ташхисини қўйиб бўлмади.

Қабулда сизни нималар кутмоқда?

Қабулда шифокор сиздан шикоятларингиз ва касалликни келтириб чиқариши мумкин бўлган омиллар ҳақида сўрайди.

Шунингдек, кўкрак қафасини, айниқса, нафас олганда бир маромдалигини текширади. Зотилжамда зарарланган томон кўпинча нафас чиқарганда соғ тарафдан орқада қолиб кетади.

Бармоқ билан тақиллатиб кўриш зотилжамни ташхислаш ва зарарланган жойларни аниқлаш учун зарур. Бунда бармоқлар билан кўкрак қафасининг ўпка соҳалари тақиллатиб кўрилади. Меъёрда тақиллатганда товуш жараанглаб чиқади (ҳаво борлиги боис). Зотилжамда товуш ўтмаслашади ва қисқа бўлади. Чунки ўпкада ҳаво ўрнида экссудат деб номланувчи патологик суюқлик тўпланади.

Аускултация (ўпкани эшитиб кўриш) стетофонедоскоп деб аталувчи махсус асбоб ёрдамида амалга оширилади. Ушбу оддий асбоб пластик най ва мембраналар тизимидан ташкил топган бўлиб, у товушни кучайтиради. Меъёрда тоза ўпка товуши, яъни меъёрий нафас товуши эшитилиши керак. Агар ўпкада яллиғланувчи жараён бўлса, нафаса экссудат ҳалқит қилади ва қийинлашган, заифлашган нафас товуши ҳамда турли хириллашлар эшитилади.

Умумий қон таҳлили: яллиғланиш борлигига жавобгар ҳужайралар – лейкоцитлар сони кўп бўлса ва СОЭ юқорилигида яллиғланиш кўрсаткичи ҳисобланади.

Умумий пешоб таҳлили: буйракда инфекция жараёни истисно қилиш учун ўтказилади.

Йўталганда балғам таҳлили: касалликни қайси микроб келтириб чиқарганлигини аниқлаш ҳамда муолажани тўғрилаш учун амалга оширилади.

Ўпканинг қайси соҳасида яллиғланиш ўчоги жойлашганини, унинг ҳажмини, асоратлар (абсцесс) бор-йўқлигини аниқлаш учун рентген текширувини ўтказиш зарур. Рентген суратида доктор ўпканинг қора рангли фонида оқ доғларни кўради. Бу доғлар яллиғланиш ўчоги ҳисобланади.

Шунингдек, баъзида бронхоскопия ўтказилади – бу учиде чироғи бўлган камерали қайишқоқ най ёрдамида бронхларни текшириш усули. Бунда най бурун орқали бронх йўлига тикилади. Ушбу текширув тури зотилжамнинг асоратли шаклларида ўтказилади.

Аломатлари зотилжамга ўхшаш касалликлар ҳам бор. Ўткир бронхит, плеврит, туберкулёз шулар жумласидан бўлиб, тўғри ташхис қўйиш, кейин эса даволаш учун шифокор зотилжамга гумон қилинаётган беморга кўкрак қафасини рентгенологик текширувдан ўтказишни буюради.

Болаларда зотилжамга хос рентгенологик ўзгаришлар зотилжам аломатлари пайдо бўлгунга қадар ривожланиши мумкин (хириллаш, нафас заифлашиши).

Зотилжамни самарали даволаш

Гигиена, тартиб ва овқатланиш

1. Ўткир даврида ётоқ тартиби тавсия этилади.

Чақалоқлар қайт қилган суюқликка тиқилиб қолмаслиги учун ёнбошлаб ётқизилади. Кўкрак қафасини йўргаклашга йўл қўйилмайди. Нафас сиқилганда болани қаравотга танасининг тепа қисмини тепароқ қилиб тўғри ётқизиш зарур.

Боланинг аҳволи яхшилانганда қаравотдаги ҳолатини тез-тез алмаштириш ва уни қўлга олиш керак.

2. Рационал овқатланиш: кунига суюқлик истеъмоли 1.5-2.0 литрга кўпайтирилади, илиқ бўлгани маъқул. Морс, шарбат, лимонли чойдан фойдаланиш мумкин. Ёғли таом берманг (ўрдак, ғоз), қандолат маҳсулотлари (торт, пирожний) ҳам мумкин эмас. Ширинлик яллиғланиш ва аллергия жараёнларни кучайтиради.

3. Балғам кўчириш йўли билан нафас йўллари балғамдан тозалаш.

Бир ёшгача бўлган болаларнинг нафас йўллари балғам ва шилимшиқлардан онаси томонидан уй шароитида тозаланади (оғиз бўшлиғи салфетка билан тозаланади). Тиббиёт бўлимида оғиз ва бурун бўшлиғидаги балғам ҳамда шилимшиқ электрсурич ёрдамида сўриб олинади.

4. Бемор ётган хона ҳавосини тез-тез алмаштириш (бемор бўлмаганда) ва нам латта билан артиб туриш.

Ҳаво ҳарорати ташқарида 20 даража бўлганда хона дезазаси доимо очик туриши зарур. Ташқарида ҳаво ҳарорати пастроқ бўлганда хона ҳавосини кунига камиде 4 марта алмаштириш керак. Шунда 20-30 дақиқада хона ҳарорати 2 даража пасаяди.

Қишда хона тез совиб кетишининг олдини олиш мақсадида дарчага доқа тутиб қўйилади.

Дорили муолажа


Зотилжамда муолажанинг асосий тури дори-дармонлар ҳисобланади. У инфекцияларга қарши курашга қаратилган.

Зотилжамнинг ўткир даврида антибиотиклар билан даволанади

Зотилжамни дори-дармон билан фақат шифокор назорати остида даволаш мумкин!

Кўпинча таъсир кўлами кенг антибиотиклар қўлланилади. Антибиотиклар ва уларни юбориш йўлини танлаш (ичкарига, мушак остига, венага) зотилжамнинг даражасига боғлиқ.

Енгил шаклида одатда ҳаб дори ва мушак остига юборилган инъекциялар кўринишидаги антибиотиклар қўлланилади.



Енгил шаклдаги зотилжамни уй шароитида даволаш мумкин, фақат албатта шифокор билан маслаҳатлашиш

Оғир шаклида эса шифохонанинг пулмонология бўлимида даволанади. Стационарда антибиотиклар мушак остига ёки венага юборилади.

Антибиотикларни қўллаш давомийлиги камиде 7 кунни ташкил этиши зарур (даволовчи шифокор кўрсатмасига боғлиқ).

Дорини юбориш усули ва миқдори ҳам ҳар бир бемор учун алоҳида танланади.

Антибиотик нафақат патоген (касалик чақирган) флора, балки тананинг табиий ҳимоя флорасини ҳам нобуд қилади. Шу боис замбуруғли инфекция ёки ичак дисбактериози келиб чиқиши мумкин. Ичак дисбактериози ичнинг суюқ келиши, қорин шишиши билан намоён бўлади.

Антибиотикларни қабул қилганда С ва В гуруҳидаги витаминларни ҳам қўллаш лозим. Шунингдек, балғам кўчирувчи ва балғамни суолтирувчи препаратлар тайинланади. Тана ҳарорати меъёрлашгач, яллиғланиш ўчоғининг сўрилиб кетиши учун физио-муолажалар буюрилади.

Жисмоний тарбия

Одатда жараён кўкрак қафаси массаждан бошланади ва тана ҳарорати меъёрлашгач гимнастика қилинади. Зотилжамда жисмоний тарбиянинг вазифаси:

1. Беморнинг умумий аҳволини мустаҳкамлаш
 2. Лимфа ва қон айланишини яхшилаш
 3. Плевра чандиқлари ҳосил бўлишининг олдини олиш
 4. Юрак мушакни мустаҳкамлаш
- Дастлабки ҳолатда ётиб, кунига 2-3 марта оёқ-қўлларни оддий ҳаракатлантириб, нафас машқи бажарилади. Сунтра гавдани секин буриш ва эгиллаш қўйилади. Машгулот давомийлиги 12-15 дақиқагача.
- Мақтабгача ёшдаги болалар учун ўйин усули бўйича гимнастика қўлланилади. Масалан, турли усул-

ларда юриш. "Ўрмонда сайр" ҳикоясини айтиш мумкин – овчи, қуён, маймоқ айиқ, Нафас машқи (бўтқа қайнапти, ёғоч кесувчи, копток ёрилди). Дренаж машқлари – тўртоёқлаб турган ҳолатда ва ёнбошлаб ётган ҳолатда бажарилади (мушак жаҳддор ва меҳрибон). Кўкрак қафаси мушаклари учун машқлар (тегиримон, қанотчалар). Секинлашиб борувчи юриш билан ниҳоясига етади.

Муолажани шифокор назорати остида бажариш кераклигига сизни ишонтириш учун зотилжамнинг бир қанча асоратларини мисол тариқасида келтириб ўтаимиз.

Абсцесс (ўпкада йиринг тўпланиши), дарвоқе, жаррохлик йўли билан даволанади.

Ўпка шишиши – вақтида чора кўрилмаса, ўлимга олиб келиши ҳеч гап эмас.

Сенсис (қонга микроб тушиши) ва шу билан боғлиқ ҳолда инфекциянинг бутун танага тарқалиши.

Зотилжамнинг олдини олаимиз

Энг яхши профилактика рационал турмуш тарзини жорий этиш:

Тўғри овқатланиш (мева-сабзавот, шарбатлар), тоза ҳавода сайр қилиш, стресслардан сақланиш.

Қиш ва баҳорги вақтларда иммунитет пасайишининг олдини олиш учун поливитаминлар комплексини қабул қилиш.

Чекишни ташлаш.

Сурункали касалликларни даволаш, алкооголга ружу қўймаслик.

Болалар учун пассив чекишни йўқотиш муҳим (улар олдида чекмаслик), бола кўп шамолласа, отоларинголог шифокор билан маслаҳатлашиш, рахит, анемияни вақтида даволаш.

Нафас машқлари билан боғлиқ бир қанча тавсияларни келтиришимиз. Улар кўп шамоллайдиган одамлар учун фойдали. Нафас гимнастикасини ҳар кун бажариш зарур. У нафақат тўқималар оксигенациясини (ҳужайраларни кислородга тўйинтиришга) яхшилашга ёрдам беради, балки тинчлантирувчи ва бўшаштирувчи таъсир кўрсатади. Машқларни бажар-

раётганда фақат яхши нарсалар ҳақида хаёл қилиш муҳим.

Қандай асоратларга олиб келиши мумкин?

Зотилжам ўпка ва ўпкадан ташқари турли асоратларни келтириб чиқариши мумкин. Ўпка асоратлари – ўпка тўқимаси, бронх ва плеврага зарар етказиши. Ўпкадан ташқари асоратлари – ички аъзолардаги асоратлар.

Ўпка асоратлари:

- плеврит;
- эмпиема;
- абсцесс;
- обструктив синдром ривожланиши;
- ўпка шишиши.

Ўпка шишиши зотилжамнинг энг хавфли асорати ҳисобланади, чунки унда ўлим даражаси юқори бўлади. Томирдаги сув дастлаб ўпкага, кейин эса алвеолаларнинг ўзига тушади. Шу тариқа меъёрда ҳаво билан тўлиши керак бўлган алвеолалар сувга тўлиб қолади.

Бундай ҳолатда одам тез бўғилади ва асабийлашади. Йўтал пайдо бўлади, у кўпиксимон балғам билан кечади. Пулс дақиқасига 200 зарбгача кўтарилса, терини совуқ ёпишқоқ тер қоплайди. Мазкур ҳолатда зудлик билан реанимация чора кўриш керак.

Ўпкадан ташқари асоратлари:

- токсик шок;
- токсик миокардит;
- перикардит;
- менингит;
- гепатит.

Зотилжамнинг ўпкадан ташқари асоратлари бактерияларнинг ўзига хос ҳаракатига боғлиқ. Баъзи патоген бактериялар жигар тўқималарига ўхшаш кетса, бошқалари осонлик билан гематозенцефалик тўсиқдан ўтиб, нерв тизимига тушади.

Шоҳида ИСРОИЛОВА тайёрлади

ЕТТИТА ЭНГ ЗЎР МОБИЛ ИЛОВА “MGOWAWARD” ФИНАЛИГА ЎТДИ

2020 йил 19 август куни талабалар ўртасида энг яхши мобил иловаларни яратиш бўйича “mGovAward” танловининг “Demo Day”и бўлиб ўтди. Унда 264та жамоа орасидан танлаб олинган 18та гуруҳ иштирок этди.

Эслатиб ўтамиз, 2019 йил 26 сентябрдан 2020 йил 10 феврал оралиғида танлов расмий сайти орқали 264та қатнашиш учун аризалар келиб тушди, уларнинг 95таси ўз мобил иловаларини тақдим этишди.

Танлов иштирокчилари 5 йўналиш бўйича мобил иловаларни ишлаб чиқишди, хусусан, таълим соҳасида (27), соғлиқни сақлаш (21), тадбиркорлик (19), туризм (22), транспорт ва логистика (6).

Дастурлаш ва лойиҳалар сифатини ошириш мақсадида 2020 йилнинг 18-19 январь кунларида икки кунлик интенсив

workshop ўтказилди. Юртимизнинг бта худудидан 60та гуруҳ дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишда кўп йиллик тажрибага эга менторлар маърузаларини тинглашди.

БАА, вазирлик ва давлат маҳкамалари вакиллари билан биргаликда танлов комиссияси (жюри) ташкил этилди, шунингдек 2020 йилнинг 28-29 феврал кунлари 97та гуруҳ ўртасида мобил иловаларни баҳолаш бўлиб ўтди, мазкур босқичда 18та жамоа ярим финалга ўтди.

“Demo Day” натижаларига кўра, Бирлашган Араб Амирликлари ва Ўзбекистонлик ва-

киллардан ташкил топган экспертлар комиссияси мавжуд 18та иловани баҳолашди ва 7та энг яхши деб топилганлари финал босқичига ўтгани маълум қилинди.

Финал босқичи телеграм-бот орқали очиқ овоз бериш кўринишида амалга оширилди ва унинг натижаларига кўра, 3 нафар ғолиб аниқланади. Ғолиблар куйидаги мукофотлар билан тақдирланади:

- 1-ўрин — \$50,000
- 2-ўрин — \$30,000
- 3-ўрин — \$20,000

Очиқ овоз бериш тафсилотлари тез кунда эълон қилинади.

7 BEST MOBILE APPLICATIONS HAVE REACHED THE FINAL OF THE MGOWAWARD COMPETITION!



MITC

mGovAward

IT PARK

ЯНГИЛИК


МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИ БИЛЕТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ЯГОНА ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИГА УЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси мамлакатимизнинг маданият муассасалари фаолиятида Билет операцияларининг ягона электрон тизимини босқичма-босқич амалга оширишни бошлади.

Бошланғич синов намунаси сифатида БОЭТга Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри, Ўзбек миллий драма театри, Муқимий номидаги давлат мусиқали театри ва Бухоро давлат музей-қўриқхонаси уланди.

Синов даврининг биринчи босқичида ушбу муассасалар ходимлари тизимда ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари билан танишдилар ҳамда чипталарни сотишда тизимдан фойдаланишни бошлайдилар. Синов муддати якунидан сўнг, чипталар билан ишлайдиган мамлакатнинг барча давлат театрлари, музейлар ва Маданият вазирлигининг бошқа идоравий ташкилотлари БОЭТга уланди.

Тизимни жорий этишдан асосий мақсад мамлакатдаги маданият муассасаларида амалга оширилаётган чипталар савдосини мониторинг қилиш, тақдим этилаётган хизматларнинг шаффофлиги, сифати ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ушбу соҳадаги спекулятив фаолиятни минималлаштиришдан иборат. Соҳада регуляторнинг пайдо бўлиши рақобат муҳитини яхшилади, бозорни монополиядан чиқаришга олиб келади, шунингдек, синергетик таъсир туфайли барча манфа-



атдор томонларнинг даромадларини ошишига хизмат қилади.

БОЭТ маданий тадбирларни ташкиллаштирувчилар, агентлар ва томошабинлар ўртасида мақбул алоқа ўрнатади. Мехмонлар учун чипталарни онлайн харид қилишда ва бирон бир тадбирга ёки маданият муассасасига ташриф буюришида улардан беҳавотир фойдаланиш учун қулай шароитлар яратилади.

Шунингдек, ушбу босқичида блокчейн технологиясидан фойдаланиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Мазкур технология чипталар сотилишида янада шаффофликни таъминлаш билан бирга, чипталар савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатни ушбу технология билан ҳимояланган маълумотлар базасида қайд этади. Бундай жанжирли маълумотлар ёзувини ўзгартириш ёки ўчириш мумкин эмас.

БОЭТнинг ишга тушурилиши маданият тадбирларига чипта сотиш учун онлайн-савдо платформалари, шунингдек, провайдерлар ва бошқа хизматларнинг фаолиятини чекламайди. Яратилган рақобат муҳитидан қулай ва мос хизмат турини танлаш ҳуқуқини хариддорнинг ўзида қолдиради.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси тасвирий санъат, адабиёт, театр, мусиқа ва хореография соҳасидаги тадбирларни мунтазам равишда ташкил этиб боради ва шу йўналишда амалга оширилаётган лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди. Бундан ташқари, Жамғарма Ўзбекистон маданиятини жаҳон саҳнасида тарғиб қилиш билан шуғулланади.

Барно ҲАМИДОВА,

Чирчиқ шаҳри, 20-мактаб ўқитувчиси

ЭЪЛОН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасида фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом”нинг 49-бандига асосан, масъулияти чекланган жамият шаклидаги “O‘zbektelekom Interneshnl” Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхонасига (Самарқанд вилояти):

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2012 йил 4 январда берилган АА серия 0003956 рақамли;
- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2012 йил 4 январда берилган АА серия 0003957 рақамли;
- халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2012 йил 4 январда берилган АА серия 0003958 рақамли;
- маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2016 йил 16 сентябрда берилган АА серия 0005971 рақамли лицензияларининг амал қилиши 2020 йил 18 августдан тугатилди.

КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИККА

ҚАРШИ

ҚАНДАЙ КУРАШИШ МУМКИН?

Мамлакатимиз иқтисодиётини рақамлаштириш бугунги кунда жадаллашмоқда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги 5953-фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" да амалга оширишга оид давлат дастури ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, пандемия сабабли киберҳужумларнинг сони кўпайиб кетиши бу тизимли ишларнинг кейинги ривожига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Биргина мисол, ҳозирги кунда Ўзбекистонда камида бир кунда 22600дан ортиқ киберҳужумлар амалга оширилмоқда. Бу ҳужумларнинг олдини олишда кадрлар масаласига эътиборни кучайтиришни вазият тақозо этмоқда.

Кибержиноятлар содир этилиши, уларнинг ўз вақтида фош этилмаслигига баъзи ҳолатларда кадрларнинг етарли билимга эга бўлмаганлиги ёки аҳолининг бу соҳада ҳуқуқий билимдонлиги лозим даражада эмаслиги сабаб бўлади. Кадрлар салоҳиятини юксалтиришда, фикримизча, қуйидаги камчиликларнинг мавжудлиги соҳанинг кейинги ривожига тўсиқ бўлмоқда, хусусан:

- киберқилмишларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш учун бириктирилган ходимнинг ҳуқуқий билими деярли мавжуд эмас, у техник ходим ҳисобланади;
- соҳа мутахассисларини етиштириб беришнинг тизимли механизми ишлаб чиқилмаган;
- таълимнинг биронта босқичида алоҳида фан ёки йўналиш ёхуд курс сифатида таълим муассасалари ва ташкилотларида кибержиноятчиликка қарши курашиш ва киберхавфсизликни таъминлаш асослари ўтилмайди ва ўқувчиларга бу ҳақда маълумот берилмайди;
- киберқилмишлар учун фақатгина техник томондан олдини олиш ва ҳимоялаш чоралари ҳуқуқий билими деярли мавжуд эмас, бу каби ишларда прокурор назоратини олиб бормоқда;
- соҳани ривожлантириш, соҳа ходимларининг малакасини ошириш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш учун давлат бюджетидан тизимли пул маблағларини жалб этиш ва уларни ишлатишнинг ягона механизми ишлаб чиқилмаган;
- давлат хизматчиларининг компьютер саводдонлигидан билиши лозим бўлган минимал талаблар ишлаб чиқилмаган ва ҳаётга жорий қилинмаган;

- соҳа ходимларини ўқитишнинг ягона методологияси ишлаб чиқилмаган.

Кадрлар салоҳиятини янада юксалтириш учун қуйидаги тизим йўлга қўйилиши тақдирини берамиз:

Аввало, кадрлар салоҳиятини юксалтириш учун кадрлар тайёрлашнинг ягона методологияси ишлаб чиқилиши лозим ва мактабгача таълимдан бошлаб олий таълимдан кейинги таълимгача бўлган орқалиқда кибержиноятчиликка қарши курашиш ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича ўқитиш тизими ишлаб чиқилиши, ёш авлодни имкон қадар ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш, уларга бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш сирларини ўргатмоғимиз лозим.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2018 йил 11 апрелдаги 168-буйруғи билан тасдиқланган "Давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низом (08.05.2018 йил, рўй: 3007-сон) талабларидан унумли фойдаланган ҳолда, давлат хизматчиларининг компьютер саводдонлигини тақомиллаштириш чораларини кўриш зарур.

Кибержиноятларни содир этган шахсларга нисбатан адолатли ва қонуний жазо тайинлаш, тергов ҳаракатларини тўғри амалга ошириш, жиноят кодексининг ўз олдига қўйган вазифаларини амалда тўғри бажариш мақсадида тақлиф сифатида бир вақтнинг ўзига ҳам ахборот-коммуникация технологиялари, ҳам юридик мутахассисликдаги мутахассисларни тайёрлаш механизмини йўлга қўймоғимиз даркор. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2019 йил 7 февралдаги 4166-сонли ва "Ўзбекистонда Шарда университетини ташкил этиш тўғрисида"ги 2019 йил 10 апрелдаги 4278-сонли қарори талабларидан унумли фойдаланган ҳолда, кибержиноятчиликка қарши курашиш ва киберхавфсизлик йўналишидаги ҳам юридик, ҳам ахборот-коммуникация технологиялари ҳақида билим берадиган таълим муассасаларини ташкил этиш ва ўқитиш тизимини жорий қилиш зарур. Ана шундагина, кибержиноятлар ўз вақтида, тўғри фош этилишига ва уларнинг олдини олишга эришишимиз мумкин бўлади.

Кибержиноятчиликка қарши курашиш



ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича кадрларни тайёрлашда интернет ва телекоммуникация хизматларидан унумли фойдаланиш, дарсларни интерактив усулда ўқувчи ва талабаларни тўғридан-тўғри визуал ҳолатда бўлиши мумкин бўлган кибержиноятларнинг ҳам техник, ҳам ҳуқуқий томондан олди олиниши мумкинлиги ўргатилиши бу каби қилмишларнинг сон ва сифат жиҳатдан камайишига ва соҳага оид зарур билимга эга малакали кадрларнинг сони ўсишига сабаб бўлиши мумкин. Бунда, талаба икки тарафлама билим олиш имкониятига эга бўлади.

Соҳа мутахассисларини етиштиришда ҳар бир таълим босқичида ўқитиш кетма-кетлигига амал қилиш ва ўқитилган вазифалар амалда қандай бажарилиши доимий мониторинг қилиб борилиши соҳада малакали мутахассисларнинг ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан ўсишига сабаб бўлади.

Молиявий масалаларда ҳар йили кейинги йил учун давлат бюджетини шакллантиришда соҳа мутахассисларини тайёрлашга алоҳида харажатлар сметасида пул маблағи ажартилиши ва у мониторинг қилиб боришига эътибор қаратмоғимиз лозим. Бунда Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига қўшимча киритиб, кибержиноятчиликка қарши курашиш ва киберхавфсизликни таъминлашга оид харажатлар сметаси алоҳида шакллантирилиши ва ушбу сметада ажратилаётган пул маблағлари нима мақсадда ажратилаётганлиги аниқ кўрсатиб қўйилади.

Ҳўш, юқорида назарда тутилган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида қандай фойда кўриш мумкин?

- Иқтисодий томондан Ўзбекистон ҳозирда ва келажақда бўлиши мумкин бўлган киберхавф-хатарларнинг комплекс тартибда олдини олинишига эришиши ва бўлиши мумкин бўлган зарарларнинг келиб чиқмаслиги таъминланиши мумкин;
- молиявий тарафдан соҳага ажратилаётган пул маблағлари тизимлаштириш натижасида уларни мониторинг қилиш ва унинг фойдаланиш коэффициенти билиш имконияти яратилади;
- ҳуқуқий томондан ҳам ахборот-коммуникация технологиялари, ҳам юридик маълумотга эга мутахассислар етиштирилиши натижасида бу каби қилмишларни тергов қилиш, прокурор назоратини таъминлаш, суд ҳукмини чиқариш, ҳуқуқий жиҳатдан киберхавф-хатарларнинг олдини олиш, бартаф қилишнинг ягона ва одилона механизми яратилади;
- ташкилий жиҳатдан соҳада ишсизлик барҳам топади, салоҳиятли кадрлар ўртасида рақобат муҳити шаклланади, уларга нисбатан талаб ва тақлиф қонунияти соғлом тарзда ривож топади, салоҳиятли кадр-

ларни топиш ва уларнинг реестрини юритиш, иш билан таъминлаш борасида бир қатор тизимли муаммолар ўз-ўзидан ижобий ечим топади.

Техник жиҳатдан терговчи, прокурор ва суд содир этилган кибержиноятни фош этиш учун қандай талабларга риоя қилиши лозимлигини билиб олади, лотент жиноятчилик камайишига эришилади, кибержиноятларни фош қилиш ўзининг кейинги юқори босқичига кўтарилади. Оддийгина мисол, кибержиноят содир этилган вақтда терговчи ёки суриштирувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 137-моддасига асосан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни амалга оширади, агарда ҳодиса содир бўлган жойни ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида махсус билимга эга бўлмаган терговчи ёки суриштирувчи кўздан кечирадиган бўлса, деярли ҳеч нарса аниқлай олмайди, ҳатто бу бўйича баённома қай тариқа расмийлаштиришни ҳам билмайди, агарда бу бўйича билимга эга бўлган кадр бўлса, у кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни амалга оширади.

Илмий жиҳатдан соҳани янада тақомиллаштиришга оид тадқиқотлар ривож топади, давлатнинг соҳага оид илмий салоҳияти юксалади. Ҳозирги кунда бу соҳада деярли илмий иш қилинмаган, фақатгина ахборот технологиялари, кибернетика, ахборот хавфсизлиги, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ва уларни тергов қилиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича илмий ишлар қилинган бўлиб, кибержиноятчилик ва киберхавфсизлик бўйича сезиларли илмий ишлар қилинмаганлиги соҳа илмий тадқиқотларга муҳтожлик сезаётганлигини билдиради.

Кибержиноятчиликка қарши курашиш ва киберхавфсизликни таъминлаш борасида салоҳиятли кадрларга бўлган эҳтиёжнинг ўз вақтида қондирилиши нафақат мамлакат аҳолисининг бугуни ва келажаги учун, балки давлатнинг равнақи учун ҳам жуда муҳимдир. Чунки, бу хавфнинг олдини олиш аҳолининг давлат органларига бўлган ишончини оширади, жамиятда қонун устуворлиги таъминланади. Айнан шу сабабдан ҳам бу соҳага пул тикиш ва соҳада кадрлар салоҳиятини ошириш бугунги кунда турган долзарб вазифаларимиздан биридир.

Амириддин АНОРБОВ,
Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги юридик бўлим бош юрисконсулти,
Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси ҳарбий-техника институти мустақил изланувчиси

12 АЛОҚА ОЛАМИДА



ТЕХНОЛОГИЯЛАР


АҚШДА ВЕЛОСИПЕД
“ҚАЙТА ИХТИРО” ҚИЛИНДИ

АҚШда автопилотли велосипед прототиби ишлаб чиқилди. Қачон эгасига керак бўлса, велосипеднинг ўзи унинг олдида келади.

Бу технология велосипедларни ижарага берувчи сервисларга ҳам қўли келиши мумкин. Мижоз буюрган жойга велосипеднинг ўзи етиб боради ёки аксинча “уйини” топиб келади.

Эътиборли жиҳати, лойиҳага оддий қўш билдиракли йиғма велосипед асос қилиб олинган. Муҳандислар велосипед рамаси орт учбурчагини иккига ажратиб, битта билдиракни иккитасига алмаштиришди, холос. “Қурайтириш” доирасида велосипедга иккита мотор ва бошқарув блоки ўрнатилди.

Ҳозирги босқичда автопилот велосипедда ҳеч ким ўтирмаганида ишлайди. Ким билсин, келажақда эгасини ўзи сайр қилдириб келадиган велосипедлар ҳам чиқиб қолар...




АЙФОНОМАНИЯ

ЯНГИ IPHONE 12НИНГ
СУРАТЛАРИ ТАРҚАБ КЕТДИ

Apple компаниясининг янги “айфон”и суратлари интернетда тарқаб кетди — iPhone 12 смартфонни классик iPhone 4га жуда ўхшаб кетади. Бу ҳақда Ferra.ru хабар берди.

Тўғри, суратлардаги “айфонлар”нинг корпуслари, улар смартфонлар учун аксессуарлар ишлаб чиқарувчилар томонидан филофлар ва ҳоказо қисмларни тайёрлашда ишлатилади. Шундан ҳам кўриниб турибдики, янги iPhone 12 дизайнида классик iPhone 4га яқинлик бор. Масалан, корпусдаги тўғри қирралар.


Америка компанияси бу йил iPhone 12 туркуми остида тўртта моделни тақдим этиши кутилмоқда. Кичик моделлар 5,4 ва 6,1-дюймли экранларда чиқарилса, Pro-версияларида экран катталиги 6,1 ва 6,7 дюймли бўлади. Расмий анонс октябрга белгиланган.



СМАРТФОНЛАР

ЭНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН
СМАРТФОННОМИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Apple компанияси 2-чорак молиявий натижаларини маълум қиларкан, iPhone 11 Хитойда энг яхши сотилган смартфон бўлганини таъкидлаганди. Энди ушбу маълумотларни Counterpoint экспертлари ҳам тасдиқлашди: iPhone 11 нафақат Хитой, балки дунёнинг бошқа йирик бозорлари ҳам етакчиси экан.



Тадқиқотларга кўра, 2020 йил 2-чорагида Apple смартфонни кўп сотилиш ботида Хитойда Oppo A8, Honor 9X, Vivo Y3 ҳамда Huawei Mate 30 5Gни ортда қолдириб, кучли бешлик етакчисига айланди. Ҳолбуки, булардан фақат iPhone 11 ва Huawei Mate 30 премиум-сегментга мансуб, қолганлари арзон смартфонлар, таъкидлайди Gizchina.

Ўтган йилги “айфон” (iPhone 11), қолаверса, АҚШ (бозорнинг 16 фоизи), Германия (11 фоиз), Буюк Британия (12 фоиз) ва Япония (19 фоиз)да энг кўп сотилган смартфон. Умуман олганда, “айфон” ишқибозлари Буюк Британия (етақчи тўртлик — iPhone 11, iPhone Xr, iPhone SE ва iPhone 7) ҳамда Япония (етақчи учлик — iPhone 11, iPhone 11 Pro ва iPhone 7)да жуда кўп.

Аммо бу йирик бозорларни фақат айфонлар эгаллаб олганини аналитмайди. Масалан, Францияда кичик устунлик (8 фоиз) Samsung Galaxy A51 томонида (iPhone 11 улуши 7 фоиз), Ҳиндистонда етакчи бешликда Redmiлар ҳукмрон, Жанубий Кореяда эса Samsung пешқадам.

СИЁСАТ

ТИКТОКНИ АҚШДА СИНДИРИШ
БЎЙИЧА ТРАМПДАН ЯНГИ ФАРМОН

АҚШ президенти Доналд Трамп янги фармонни имзолади — бу ҳужжат Хитойнинг ByteDance (TikTokнинг эгаси) компаниясини musical.ly музикавий сервисини сотиб олиш имкониятидан маҳрум этади.

Қолаверса, компанияга АҚШдаги TikTok фаолияти билан боғлиқ активларидан воз кечиш учун 90 кун муҳлат берилган, АҚШда тўпланган фойдаланувчиларнинг маълумотларини қайтариш талаби ҳам бор.

“(Мавжуд) ишончли маълумотларга асосланиб, ByteDance Ltd. musical.lyни қўлга киритиш орқали АҚШ миллий хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин, деган фикрдаман”, — дейилади фармонда.

Ҳужжатда таъкидланишича, битим асосида ByteDance ўзининг TikTok иловасини musical.ly ижтимоий тармоғи билан ягона платформага бирлаштирган.



МЕССЕНЖЕРЛАР

TELEGRAMДА
ВИДЕОҚЎНФИРОҚЛАР
ИШГА ТУШДИ

Telegram ўз тугилган кунини (14 август куни мессенжер 7 ёшга тўлди) фойдаланувчиларига ажойиб совға туҳфа этди. Энди телеграмда видеоқўнғироқлар хизматидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Видеоқўнғироқни амалга ошириш учун фойдаланувчи профилидаги камера ёрлиғи босилса кифоя. Сўзлашув давомида видеомулқотдан овозлисига ва аксинча ўтиш, чатлашиш (видеоқўнғироқни экран бурчагига кичик туйнукча қилиб силжитса бўлади) мумкин.

Ҳозирда дунё бўйича Telegram фойдаланувчилари сони 400 миллион нафардан ошган.

ХАВФСИЗЛИК

“АҚЛИ” ТЕЛЕВИЗОР
ҚИЛАЁТГАН
ИШЛАРИМИЗНИ КЎРИБ
ТУРИШИ МУМКИН

Замонавий smart TV содир бўлаётган барча воқеаларни доимий тартибда аудио ва видеога ёзиб бориши мумкин. Бундай имкониятлар “ақлли” телевизорларга дастурни ёқиш, телеканални ўзгартириш, телевизорни ўчириб-ёқиш, овозни кўтариш ёки пасайтириш каби имошиора ёки овозли буйруқларни қабул қила олиши учун керак.

Бу ҳақда “Рақамли платформалар” (“Цифровые платформы”) бош директори Арсений Щельцин “Прайм” агентлигига сўзлаб берди.

“Овозли файллар овозли функцияларни такомиллаштириш учун ишлаб чиқарувчи компаниянинг серверига юборилиши мумкин. Бироқ, америкалик ҳуқуқ ҳимоячиларининг маълумотларига кўра, баъзи давлатларнинг махсус хизмат вакиллари ақлли телевизорлар орқали бутун дунё бўйича одамларни кузатиш учун дастурли таъминот хатчўпларидан фойдаланишади”, — дея таъкидлади мутахассис.



САЛОМАТЛИК

ЭЛЕКТР ЧОЙНАК
ВА WI-FI: ХАВОТИР
ЎРИНЛИМИ?

Wi-Fi-роутерлар инсон саломатлиги учун хавфли деб ҳисобловчилар истаганча топилади. Чиндан ҳам зарарлими, у ҳолда роутерни қаерга ўрнатган маъқул? “Синергия” университетининг ахборот технологиялари институти директори Станислав Косарев бу масалага ойдинлик киритди.


“Ҳақиқатан ҳам, бошқа электр жиҳозлар каби, Wi-Fi-роутер ҳам ўзидан электромагнит нурларни таратади. Бироқ бунинг салбийлигини исботловчи биронта далил йўқ. Нурларни оддий электр чойнақдан ҳам чиқади, бироқ биз ундан хавфсирмаймиз-ку”, — таъкидлади мутахассис.

Бевосита Wi-Fi-тўлқинларнинг зарарини ўрганиш учун олимлар жуда кўп тадқиқотлар ўтказишган. Бироқ ҳали уларнинг биронтаси зарарни тоғанини расман маълум қилган эмас. Бироқ шунда ҳам, роутер касал қилишидан қўрқувчилар бўлса, уни ётоқхонадан узоқроққа жойлаштириши маслаҳат берамиз. Кечаси эса тоқдан узиб қўйиб, роутердан “кутулишингиз” мумкин, дейди Косарев.

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.



ДЕМОКРАТЛАР АҚШ ПРЕЗИДЕНТЛИГИ УЧУН САЙЛОВДА БАЙДЕН НОМЗОДИНИ ИЛГАРИ СУРИШДИ



Демократлар партиясининг Висконсин штатида бўлиб ўтган умуммиллий съездида кўпчилик собиқ вице-президент Жо Байденнинг АҚШ президентлиги учун курашишини ёқлаб овоз берди.

Байден праймеризга кўра, партия делегатларининг энг кўп овозини тўплади, съездда овоз бериш виртуал тарзда амалга оширилди. Овоз бериш якуний натижалари ҳали эълон қилинган эмас.

Коронавирус сабабли съездда овоз бериш виртуал бажарилди. Байденнинг партия ички курашида асосий рақиби вермонтлик сенатор Берни Сандерс эди, бироқ у апрел ойида курашдан чиқиб кетган.

ДУНЁДАГИ ЭНГ БОЙ ОДАМНИНГ МОЛ-МУЛКИ РЕКОРД ДАРАЖАГА ЕТДИ

Дунёдаги энг бой одам, "Amazon" раҳбари Жефф Безоснинг бойлиги бир кунда 7,2 миллиард долларга кўпайиб, рекорд даражага етди. Бу ҳақда "Forbes Real Time" рейтингда маълумот берилган.

Унинг мол-мулки 197,8 миллиард долларга баҳоланмоқда. 40 йилдан бери миллиардерларнинг пулини "санаб келаётган" "Forbes" бирор марта ҳам бундай кўрсаткични қайд этмаган. 18 август куни "Amazon" акцияларининг баҳоси тўрт фоизга ошгани учун Безоснинг бойлиги бирдангина кўпайиб кетди.

Август ойида Безос компаниянинг тахминан бир миллионга акциясини 3,1 миллиард долларга сотиб, тахминан 2,4 миллиард доллар ишлаб олган. Ҳозирги вақтда "Amazon" қимматбаҳо қроғозларининг 54 миллионтаси унга тегишли.

Мутахассислар америкалик тадбиркорнинг 2026 йилдаёқ дунёдаги биринчи триллионерга айланишига ишонишади.



ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БЕЛАРУСДАГИ САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ ТАН ОЛМАДИ

Европа Иттифоқи Беларус ҳукумати томонидан эълон қилинган президентлик сайлови натижаларини тан олмайди, деди Еврокенгаш раҳбари Шарл Мишел фавқулдда видеосаммит якунида.

Бундан ташқари, ЕИ "республикадаги зўравонликлар ва сайловдаги сохтакорликлар учун жавобгар шахсларга нисбатан" санкциялар киритади.

Мишел Мински куч ишлатмасдан инқироздан чиқиш йўлини топишга чақирди ва ЕИ "ҳокимиятнинг тинч йўл билан берилиши"да кўмаклашишини билдирди.

Шунингдек, беларус халқи учун 53 миллион евро ажратилиши эълон қилинди.

Германия канцлери Ангела Меркел ҳам ана шундай баёнот берди.

Унинг сўзларига кўра, "Беларусдаги сайловлар фирром ва адолатсиз ўтганига шубҳа йўқ".



ШИМОЛИЙ КОРЕЯ РАҲБАРИНИНГ АҲАБТОВУР ТАЪҚИҚИ САБАБИ АЙТИЛДИ

Шимолӣй Корея раҳбари Ким Чен Ин мамлакат аҳолисига ит боқишни тақиқлади. Расмий Пхенянгга кўра, хонадонда ит сақлаш буржуазия ва капитализм сарқити саналади. Эндиликда ит боққан фуқаролар жазоланади.

Аммо хоризж матбуоти ит боқиш тақиқланиши ортидаги асл сабаб мамлакатдаги озиқ-овқат тақчиллиги эканини айтмоқда. Қайд этилишича, сўнгги йилларда Жанубий Кореяда ит гўшти истеъмоли камайган бўлса, Шимолӣй Кореяда аксинча – ушбу жонивор гўштига талаб ошган.

БМТ маълумотларига кўра, Шимолӣй Корея аҳолисининг қарийб 60 фоизи озиқ-овқат етишмовчилигидан азият чекоқда. Халқаро санкциялар ҳамда коронавирус пандемияси сабаб чегараларнинг ёпилиши қашшоқ аҳолини янада оғир аҳволга солиб қўйди. Ким Чен Ин эса ташқи дунёдан ёрдам олинмаслиги, мамлакат озиқ-овқат тақчиллигига қарши мустақил курашишини билдирган.



Хабарларга кўра, тақиқ эълон қилиниши билан уйда боқилаётган итлар эгаларидан тортиб олинмоқда ва зоопарк ёки ресторанларга етказилмоқда.

Қайд этиш мумкинки, дунёдаги энг ёпиқ мамлакатлардан бири саналган Шимолӣй Кореянинг коммунист раҳбарияти турли чеклов ва тақиқларни жорий этган. Мамлакатда интернет ва Wi-Fi дан фойдаланиш имкони мавжуд эмас. Аҳоли Шимолӣй Кореянинг ички компьютер тармоғидан фойдаланиши мумкин. Ички тармоқ эса "мафкуравий тоза" сайтлардан иборат. Маҳаллий аҳолининг хоризжга кўнгироқ қилиши ҳамда чет элликлар билан суҳбатлашиши ҳам ман этилган. Капиталистик дунё маҳсулоти булган Coca cola ичимлиги савдоси ҳам тақиқланган. Коммунистик партия фуқароларнинг соч турмаги қандай бўлишини-да белгилаб берган. Ортиқча эътибор тортувчи турмак ман этилади. Мамлакат эркаклари сочини "дохий" Ким Чен Ин каби кузаб юришга одатланган.

КОРОНАВИРУСДА ЖАМОАВИЙ ИММУНИТЕТ ЁРДАМ БЕРМАЙДИ

Жамоавий иммунитет COVID-19ни енгилга ёрдам бермайди. Вирус тарқалишини чекловчи чораларни кўриш керак, деди брифингда ЖССТнинг соғлиқни сақлаш соҳасида фавқулдда вазиятлар дастури директори Майкл Райан.



"Айни вақтда биз — дунё аҳолиси мазкур касалликни тўхтатишга имкон берадиган иммунитет даражасига ҳали етиша олмадик. Шундай экан, вирус тарқалишини чеклаш учун зарур чораларни кўришимиз зарур. Жамоавий иммунитет нажоткоримиз бўлади деган умидда яшамаслигимиз керак. Ҳозир бу ечим эмас", — деди у.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 11 март куни янги COVID-19 коронавирус инфекцияси тарқалишини пандемияга дея эълон қилди. ЖССТнинг сўнгги маълумотларига кўра, дунё бўйича 21,7 миллион кишида касаллик аниқланган бўлиб, улардан 770 минг нафари ҳаётдан кўз юмган.

АВГУСТ ОЙИДА ТОКИОДА ЖАЗИРАМА ИССИҚЛИКДАН 79 КИШИ ВАФОТ ЭТДИ

Ғайритабиий об-ҳаво туфайли Япония пойтахтида 79 киши иссиқлик туфайли оламдан ўтди. Бу ҳақда 18 август куни NHK телеканали хабар берди.

Улардан 26 нафари охириги тўққиз кун ичида пойтахтда ҳаво ҳарорати +37 даражадан ошиб кетганда ҳаётдан кўз юмишган. Уларнинг аксарияти — 70 ёшдан ошган кекса кишилар.

Устига-устак, Токионинг 26та фуқаросидан 25 нафари уйда жон берган. Таъкидланишича, улар айни кун қизиган пайтда кондиционерни ёқишмаган ёки хонада совитиш ускуналари умуман бўлмаган.

Интернет материаллари асосида У. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Содиқ ҲИДОЯТ



Ҳикоя

“Атрофни тун қоронғиси қоплади-ю, аммо Лоладан дарак йўқ. Худодод қанақа ёмон тушларни кўрмади, дейсиз! Йўқ, аслида у мижжа қоқмади ҳам. Ваҳимали хаёллар билан бедор бўлиб, тиқ этган садога сакраб турар, ҳар гал унга Лола келаётгандек бўлиб туюларди. Ўн марталаб жойидан туртиб, қоронғида Лоланинг совуқ тўшагини пайпаслаб кўрар, титраб-қалтираб яна ўз ўрнига келарди. Уни кимдир олиб қочиб кетдимикан? Алдашдимикан ё ўзи кетиб қолдимиз?”

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

У Дамованднинг чаққон бозорига келиб, энг аввал базозлик дўконидан бир дона яшил ва сариқ нақшли рўмол харид қилди. Сўнгра қанд ва чой сотиб олиб, харидларини қалами бўғчага ўради-да, йирик одимлар билан кулбаси тарафга равона бўлди. Худододдек пиеда юришга одатланган киши учун шаҳардан уйигача бўлган икки фарсанг масофа чўт эмас. Кексайганига қарамай, энди унинг ҳаёти ўзига яраша бир маъно касб этган эди. Йўлда бораркан, у ўзича хаёл сурарди: “Бу рўмол Лолага жуда ярашади. У буни елкасига ташлаб, учларини сийнаси остидан боғлаб олади”. Шу заҳоти, гўёким биров унинг хаёлидан воқиф бўлгандек, уялиб кетди ва ўзига деди: “Мен унинг гўзаллигидан отаси каби фахрланишим лозим. Отаси ўрниданманми, яхши бир куёв топиб, уни узатаман”. Аммо чўпон Аббос қизни яхши кўришини эслаганида, қони юзига тепиб, тутаклиб кетарди.

Йўл паст-баландликлар, тоғ дара-ларидан ўтар, аммо Худодод атрофдаги ҳеч нимани пайқамас, ҳатто чарқоқни ҳам ҳис қилмас эди. Олдинлари у йўлда юрганда атрофни томоша қилар, ёмғир ёғармикан-йўқми, дегандек осмонга боқар, экинзорларга разм солиб, деҳқонларнинг ҳосили қандай бўлганини чамалаб кўрарди, арпа, буғдой, ловия, ҳўл ва қуруқ мевалар нархи ҳақида ўй суриб кетарди... Аммо ҳозир хаёли фақат Лолада эди. Бу йил унинг ери яхши ҳосил бермади ва у жамғармасидан бир қисмини сарфлашга мажбур бўлди. Аммо булар Лоланинг бир тола сочига ҳам арзимайди.

Худодод дарахтзор ёнидан ўтиб, сўқмоққа бурилди. Бу ердан унинг тепаликдаги кулбаси кўриниб турарди. Кулба узокдан ёна-ён кўйилган иккита пачоқ гугурт қутисига ўшарди. Худодод буғчани қаттиқроқ қисиб, қадамларини жадаллатди ва таниш сўқмоқдан тезда кулбасига етиб келди. Аммо Лола бу ерда кўринмас эди. Тош супа ҳам, уй ҳам кимсасиз эди. Худодод кафтини даҳанига қўйиб, баланд овозда қақирди: “Лола!.. Лола!..” Ҳеч ким жавоб бермади. У ташқари чиқиб, яна бор овоз билан бақирди: “Лола... Лола...”

Лолу... Лолу...”. Товуш тоғларга урилиб, акс-садо берарди: “Лола... Лолу...”. Худодод саросимага тушди. У тош супага чиқиб, теварак-атрофни кўздан кечирди. Ҳеч бир тарафда қизил кўйлак кўзга ташланмасди. Худодод хонага қайтиб кириб, қизнинг сандигини очиб қаради. Унга шу йил олиб берган янги либослар йўқ эди. Худодод ақдан озишига сал қолди. Нима бўлганини тушунмай, мияси қотди. Кулбадан чопиб чиқиб, гизиллаб булоқ бўйига тушди. Бу ерда узун чопон ва қора човвор кийиб, бошига кўк салла ўраган қишлоқ охундига дуч келди. У дарахт тагида тамаки чекиб ўтирарди. Охунд Худододга шундай захарли қараш қилдики, ундан бир нима сўрашга юраги бетламади. Яна бироз юриб, бола опичлаб олган қизил чодрали аёлни кўрди. У ҳам Лола ҳақида ҳеч нарса айтолмади ва Худодод ночор кулбасига қайтди.

Атрофни тун қоронғиси қоплади-ю, аммо Лоладан дарак йўқ. Худодод қанақа ёмон тушларни кўрмади, дейсиз! Йўқ, аслида у мижжа қоқмади ҳам. Ваҳимали хаёллар билан бедор бўлиб, тиқ этган садога сакраб турар, ҳар гал унга Лола келаётгандек бўлиб туюларди. Ўн марталаб жойидан туриб, пардани итқи-тиб, қоронғида Лоланинг совуқ тўшагини пайпаслаб кўрар, титраб-қалтираб яна ўз ўрнига келарди. Уни кимдир олиб қочиб кетдимикан? Алдашдимикан ё ўзи кетиб қолдимиз?

Эртаси куни ҳазо мусаффо ва салқин эди. Худодод Лолага деб сотиб олинган рўмолни олиб, уни қидиришга кетди. Йўлда учраган ҳар бир одам унга дев ё аждар бўлиб кўринарди. Бошидан белигача қор билан қопланган кўкимтир-кулранг тоғлар дилида қўрқув уйғотар, ариқ лабида ўсган ялпизнинг ўткир хиди томоғидан бўғаётгандек бўларди. Йўлда иккита деҳқонни учратиб, юрагини ҳовучлаб улардан сўради:

- Лолани кўрмадингизларми?
- Уни аввал девона деб ўйлашди ва бир-бирларидан сўрашди:
- Ким экан у?
- Бир лўли қиз.
- Деҳқонлардан бири деди:
- Икки кун бурун бир гуруҳ лўли

Мумажда чодир тикди. Тагин шуларни айтаётган бўлмагин.

Худодод Мумаж тарафга равона бўлди. У тез-тез ва қоқилиб йўл босарди. Неча жойда бурилиб, гоҳ адашиб-улоқиб, ниҳоят узокдан бир неча қора чодир кўринди. Яқин бориб, ариқ ёқасида ухлаб ётган эркакни кўрди. Нарироқда, чодир олдида бир лўли аёл галвирда дон эларди. Аёл Худододга салом бериб деди:

- Сенга фол кўрайми? Менда илон тишидан қилинган маржон, элак ва ёнғоқлар бор.

Унинг сўзлари Худододнинг қулоғига кирмасдан, девонавор сўради:

- Лола... Лолуни кўрддингми? Унинг қаердалигини биласанми?

- Фол кўрсам айтиб бераман.

- Айт, мен пулини тўлайман.

- Пулни бер, кейин айтаман.

Худодод қаттиқ чарчаган эди.

Чўнтагидан бир қирон олиб, лўли аёлга узатди. Лўли унинг қўлидан ушлаб, юзига қаради ва деди:

- Ҳазрат Али паноҳинг бўлсин. Эй одам, сенинг дилингда ҳозир ғусса ўрнашган. Тўрт йил ардоқлаб юрган бир азиз нарсангни йўқотибсан. У сенга жигарпора бўлмаса-да, ўз жигарпоранг янглиг севасан уни.

Худодод кўзлари ёшга тўлиб,

лўлига боқди ва шивирлаб деди:

- Рост, гапларинг рост.

- Аммо беҳудага ғусса чекмагин.

Зеро, у қиз сенинг яқинингдadir. У тирик ва соғу саломат.

- Қани у? Қандай келиб қолди бу ерга?

Худо ҳаққи, менга ҳаммасини айтиб бер.

- Қайғурма, у қиз бахтиёрдир. Сен уйингни очик қолдирдинг ва шайтон кириб уни алдаб олиб кетди.

- Унинг исми Аббосми?

- Йўқ.

- Сен буларнинг барини қаердан биласан? Худо ҳаққи, ростини айт, нима хоҳласанг бераман.

У чўнтагидан яна пул чиқарди. Лекин шу аснода қўшни чодир эшигидаги парда бир ёнга сурилди, ундан Лола чиқиб келди. Эгнида Худодод сотиб олиб берган ўша қирмизи кўйлак, қўлида бир дона қизил олма. У олмани энги билан артиб, тишлади-да, кулиб юборди. Лўли аёлга юзланиб деди:

- Ойижон, Худодод ота шу киши бўлади.

Худодод ҳайратдан донг қотганча Лолага, онасига боқарди. У ҳеч қачон Лолани бу қадар хурсанд ва бахтиёр ҳолатда кўрмаган эди. У қизил рўмолни кўйнидан олиб қизга қараб улоқтирди ва деди:

- Буни сенга олувдим.

Лола шарақлаб кулиб юборди ва рўмолни елкасига солди-да, бир учини сийнаси остидан ўтказиб боғлади. Сўнгра югуриб чодир ичига кирди-да, ўша заҳоти ичкаридан ёш бир йигитни бошлаб чиқди. Унга пичирлаб нимадир деди ва Худододни кўрсатди. Шундан сўнг қиз қувноқ оҳангда Худододга таниш ашулани куйламоққа бошлади ва йигитнинг елкасига қўл ташлаб, иккаласи толзор орқасига ўтиб кетди.


Лолани тирик топганидаги қувончию ва уни энди бутунлай йўқотганидаги ғусса бир бўлиб, Худодод хўнграб юборди. У йиқила-сурила келган йўлидан орқасига қайтди. Кулбасига кириб, эшикни ичкаридан беркитиб олди.

Шундан сўнг уни ҳеч ким ҳеч қаерда кўрмади.

Ғулум КАРИМ таржимаси

ШАРАФЛИ ВА ИБРАТЛИ УМР

15 август куни халқ хизмати ва юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилган “Ўзалоқа-консалтинг” масъулияти чекланган жамияти директори Тоҳир Бикметов 70 ёшни қаршилади. У умрининг 46 йилини ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасига бағишлаб, фаолияти давомида хурмату эътирофларга сазовор бўлди.



Тоҳир Бикметов 1950 йил 15 август куни Сурхондарё вилоятининг Узун туманида дунёга келган. Зиёли ота ва меҳрибон она бағрида улғайган йигит мактабни тамомлагач, Тошкент электротехника алоқа институтига ўқишга кириб, уни 1972 йили кўп каналли электралоқа муҳандиси мутахассислиги бўйича тамомлади. Ва ўша йилиёқ иш фаолиятини Узун туман алоқа цехи техник ишлаб чиқариш лабораторияси муҳандислигидан бошлади. Сўнгра йигитлик бурчини адо этиш учун ҳарбий хизматда отланди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, яна аввалги ишонасида фаолиятини давом эттирди. 1978 йилда унга Узун алоқа боғламаси бош муҳандиси, алоқа цехи бошлиғи вазифасини топширишди. Тоҳир аканинг меҳнаткашлиғи, ғайрати вилоят раҳбарлари эътиборидан четда қолмайди ва орадан бир йил ўтар ўтмас уни Сурхондарё вилояти давлат электралоқа техник бошқармаси бош муҳандиси этиб тайинлади. У бу ерда орттирган тажрибаларини янада мустаҳкамлади. Ўз устида тинимсиз, астойдил ишлади. 1981 йилдан 1987 йилгача Сурхондарё вилояти давлат электралоқа техник бошқармаси Узун тумани алоқа боғламасига бошчилик ҳам қилди.

Тоҳир Бикметов раҳбар сифатида иш бошлаганидан оқ масъулияти, талабчан ташкилотчи эканлиги намойён эди, туманда соҳани ривожлантириш учун бор куч-ғайратини ямади: моддий-техник базани мустаҳкамлаш, мутахассисларни танлаш ва касбий маҳоратини ошириш, янги технологияларни жорий этиш, ходимларнинг ижтимоий масалаларини ҳал этишдек масъулиятли ишларга бош-қош бўлди. 1987 йили Сурхондарё вилояти давлат электралоқа техник бошқармасига бош муҳандис этиб тайинланди. Бу ерда олти йил давомида тиним билмай меҳнат қилди. Соҳадаги ҳамкасблари билан узлуксиз тажриба алмашди. Жамоа орасида хурмат қозонди. 1993 йили уни “Ўзбектелеком” концерни раислигига муносиб кўришди. Соҳа ривожига ҳисса қўшадиган таклифларни кечиктирмай амалда қўлади. Тўрт йиллик навбатдаги фаолият 1997 йилда “Маҳаллий Телеком” акциядорлик компанияси бош директорининг биринчи ўринбосарлигига ўзгарди. Икки йил ўтар-ўтмас эса “Ўзбектелеком Интернетшнл” қўшма корхонаси бош директорлиги ишониб топширилди. Мазкур лавозимни Тоҳир Бикметов зиммасидаги катта масъулият сифатида қабул қилди ва қисқа вақт ичида соҳада катта ўзгаришлар қилишга муваффақ бўлди. 2001 йили Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи ўринбосари, 2003 йилда эса “Ўзалоқа-консалтинг” масъулияти чекланган жамияти директорлигига тайинланди. Фидойи алоқачи Тоҳир Бикметов нимагаки эришган бўлса, барчаси кўп йиллик фидокорона меҳнати, юқори профессионаллиги, ишига масъулият билан ёндашуви натижасидир.

Фидойи алоқачи **ТОҲИР БИКМЕТОВ** НИМАГАКИ **ЭРИШГАН БЎЛСА, БАРЧАСИ КЎП ЙИЛЛИК ФИДОКОРОНА МЕХНАТИ, ЮҚОРИ ПРОФЕССИОНАЛЛИГИ, ИШИГА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШУВИ НАТИЖАСИДИР.**

Юбилей ёши муносабати билан Тоҳир Бикметовга Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Содиқов вазирлик жамоаси ва Ҳайъати номидан табрик хати йўллаб, эсдалик совғасини топширди. Ўз навбатида, “Xabar” газетаси таҳририяти ҳам Тоҳир акани қизгин муборакбод этади, узок умр ҳамда мустаҳкам соғлиқ тилайди.

Шоҳида ИСМОИЛОВА,
“Xabar” мухбири

Бугун 80 ёшни қаршилаш оstonасида турган Валерий Самсонов ўз ватани Саратовда эмас Ўзбекистонда умргузaronлик қилганига сира-ям ачинмайди. Чунки бу ерда ҳам умри мазмунли ўтди.

Ўзи учун янги оламни, атрафдагилар учун янги одамни кашф қилди. Тошкент электротехника алоқа институтининг малака ошириш курсини битирган Валерий Самсонов “Сирдарё Телеком” филиали таъмирлаш марказида етакчи мутахассисга айланди. Бу Сирдарё вилоятига замонавий рақамли электрон АТ-Сларнинг кириб келиш вақтига тўғри келди. Ва айнан ўша пайтлари шундай мутахассисга эҳтиёж жуда катта эди. Билимини мустаҳкамлашни истаган инсон ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди, яъни у ҳеч қачон “бўлди мен ҳамма нарсани биламан, менга энди ўрганиш шарт эмас” дегмайди. Сеулда “ДЭУ Телеком” компанияси ўқув марказининг икки ойлик ўқув курсида ўқиб келди. DTS-2000 русумидаги АТСни ишлатишни, носозликлар туғилганда техник хизматни яхшилашни ўрганиб қайтган қаҳрамонимиз умри давомида 1800тага яқин стан-



ҳаётни янада мазмунли қилади — ўрганганларини, билганларини шогирдларига қолдириш истаги. Айни пайтда дунёнинг турли бурчакларидан Греция, Америка, Москва, Одесса каби мамлакатларда фаолият олиб бораётган шогирдлари тез-тез Самсоновни йўқлаб туради. Таъкидлаш жоиз шу кунларда кўнгироқлар сони янада кўпайган. Ҳалиям шогирдларию ҳамкасбларидан соҳа бўйича узининг маслаҳатини аямайдиган Сам-

ҲАЁТ МАШЪАЛИНИ БАЛАНД КЎТАРИБ...

циянинг абонент платасини тузатди. Ҳар бир таъмир хорижда 500 долларга баҳоланиши, аммо Самсоновнинг қўли гулли боис бу таъмирлаш иши ўзимизнинг миллий валютада 20 минг сўмга айланганининг ўзиёқ юртимизда қанчадан-қанча маблағ тежалганини исботлайди. Шу боис В.Самсонов “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги энг яхши рационализаторлик таклифи ва ихтиро” республика танловида “8 ва 16 абонентли АLCB 5-12 Alcatel абонент платаси ҳолатини назорат қилиш тизими” рационализаторлик таклифи бўйича фахрли ўринни олгани, яъни рационализаторлик фаолиятига фаол ва юқори сифатли ишлари, соҳага келтирган амалий иқтисодий самараси, маблағни тежашга қўшган ҳиссаси учун махсус маблағ ажратилгани ҳам бежиз эмас. Йўл-йўлакай берилган фахрий ёрлиқлар, мукофотларнинг эса саноги йўқ.

Қаҳрамонимизнинг Япониянинг NES компанияси томонидан ўтказилган илмий техникавий анжуманида мутахассис малакасини белгилайдиган сертификатни олиши яна бир катта ютуғи эди. Валерий Самсоновнинг хориждан олган тажрибалари, оширган малакалари республикамиз бўйлаб тарқалди. Андижон, Наманган, Фаргона, Чирчиқ, Қашқадарё, Тошкент қўйинги қарийб республикамизнинг барча ҳудудларидаги станцияларнинг “юраги уриб туришида” Самсоновнинг ҳиссаси катта. Чунки станциянинг абонент платаси ишдан чиқса станциянинг юраги тўхтади, дегани.

Бундай одамларнинг ҳаётида яна бир мақсад бўлади. Ана шу мақсад эса

сонов ушбу соҳадаги янгиликларни кузатиб боради. Ўзи айтганидек “билим олишдан бир лаҳза ҳам тўхтамайди”. Яъни, бугунги кун ўзгаришларини, кириб келаётган янгиликлардан хабарсиз қолиб шогирдлари билан суҳбатлашаётганда уялиб қолишни истамайди.

Оила деб аталмиш кичик оламда бахт формуласини яратишда Валерий Самсоновни турмуш ўртоғи Галина Романова бир умр қўллаб яшади. Айтаганча, Галина Романованинг Гулистон шаҳридаги мусиқа билим юртининг ташкил қилинишига қўшган ҳиссаси алоҳида бир мавзу. Уларнинг фарзанди Аркадий ҳам эл корига камарбаста.

Ҳаётнинг турли синовларидан аъло даражада ўтиб халқ эътиборига тушган инсонлардан бўлган Валерий Самсонов 80 ёшини ҳам ғайрат ила қаршиламақда. У алоқачи бўламан, деганининг ҳали кўпига устозлик қилади.

Ҳаёт эриётган шам эмас. У бизнинг қўлимизга бир лаҳзага берилган ва биз уни келажакда аялдор тутқазидан олдин мумкин қадар ёруғроқ аланга олдиришга мажбур этишимиз керак бўлган аллақандарий ажиб машъалдир. Қаҳрамонимиз Валерий Самсонов эса ана шу ҳаёт машъалини баланд кўтариб олдинда кетаётган йўлбошчилардан бири десак адашмаймиз. Зеро ҳаёт машъали ҳеч қачон ўчмайди — ортда қолдирилган тажриба, яратилган қасбиёт, инсонийлик илми мангудир. Биз ҳам фидойи ва олижаноб қалбли инсонни муборак ёши билан кутлаймиз.

Барно СУЛТОНОВА,
“Xabar” мухбири

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилик жамоаси вазирлиқнинг радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение бўлими бош мутахассиси

Дониёр АЛИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилик жамоаси вазирлиқнинг радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение маркази” ДУК Хоразм радиотелеузастиш маркази директори Санжарбек Садуллаевга отаси

Султон САДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МЕГА БАЙТИНГИЗНИ 15 БАРОБАР ТЕЖАНГ! YouTube



Аксарият биладики, YouTubeда оқимли видео томоша қилишда интернет-трафик кўп сарфланади, айниқса, лавҳа юқори сифатда олинган бўлса. Агар интернетингиз тезлиги паст ёки трафик миқдори чекланган бўлса, у ҳолда пастроқ сифатда кўришга тўғри келади.

Шуни инобатта олиб, энг оммабоп видеохостинг – YouTube тармоғида роликларни турли сифатларда томоша қилиш имкони берилган. Лекин уларнинг ҳар бирида қанча трафик сарфланишини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Қисқача айтганда, бир дақиқалик видеолавҳани турли сифат тартибларида кўрганда, қуйидагича миқдорларда трафик сарфланади:

- 144p – 1,90 МБ
- 240p – 2,70 МБ
- 360p – 4,40 МБ
- 480p – 7,70 МБ
- 720p – 14,50 МБ
- 1080p – 27,61 МБ

Энди шундан келиб чиқиб, бирор роликни ҳар бир тартибда томоша қилишга кетадиган трафикини ҳисоблаш мумкин. Яъни, видеолавҳа давомийлиги неча дақиқача тенг бўлса, юқоридаги рўйхатда кўрсатилган мегабайтни ўша сонга кўпайтирасиз.

Демак, YouTubeдаги ролпа-роса бир соатлик видеони ўртача резолюцияда – 480p тартибда кўриш 460 мегабайт “туради”. Айни шу лавҳанинг ўзини Full HD форматда (1080p тартибда) томоша қилсангиз эса – нақ 1,7 гигабайтга “тушасиз”. Агарда уни энг паст – 144p тартибда кўрсангиз, салкам ўн беш бараварга кам – тахминан 114 мегабайт трафик сарфланади, холос.

Видеони кўриш тартибини танлаш учун YouTube мобил иловасида юқори ўнг бурчақдаги тикка учнукта белгисини босасиз. Очилган менюдан Quality (ёки “Қаҳолат”) бандини танлаб, керакли аниқлик тарти-

бини белгилаб кўясиз.

Маълумки, YouTubeдаги ҳар қандай видео орасига турли рекламалар жойланган бўлади. Албатта, бу рекламалар маълум вақтни олади, демак-ки, интернет трафик сарфига ҳам таъсир қилади. Хўш, видеоларни рекламаларсиз томоша қилиш мумкинми? Албатта!

Гап шундаки, Reddit фойдаланувчилари видеони рекламасиз томоша қилиш йўлини топилди. YouTube тармоғидаги исталган бир лавҳани рекламасиз кўриш учун, браузернинг манзил қаторидаги “.com” қисмидан сўнг битта нуқта қўйиш кифоя экан!

Масалан, YouTubeдаги видеонинг одатдаги ҳавола-си куйидаги кўринишда бўлади:

https://www.youtube.com/watch?v=SRA8H_DJpng
Худди шу видеони рекламасиз кўриш учун манзилидаги “.com” қисмидан сўнг нуқта қўйилган кўриниши:

https://www.youtube.com/watch?v=SRA8H_DJpng
Айтиши керакки, бу усул фақат компютер ва ноутбуклардаги браузерларда ишлайди, мобил қурилмаларда эса ҳавола автоматик тўғриланиб қолади. Мазкур усулда нафақат керакли видеоролик бошланмасидан олдин кўрсатилувчи реклама лавҳаси, балки ролик ўртасидаги рекламалар ҳам олиб ташланади.

Узингиз синаб кўринг ва дўстларингизга ҳам тавсия қилинг.

САЛОМАТЛИК

КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ ЭНГ ФЙДАЛИ НОНУШТА

Россиялик шифокор-диетолог Юлия Чехонина энг фойдали нонушта сирини фаш этди. “Звезда” телеканали унинг сўзларини келтирган.

Чехонина ҳар кун биринчи бўлиб оқсил ва углеводлардан иборат таом истеъмол қилишни маслаҳат беради. Унинг сўзларига кўра, эрталаб дастурхонда фақат битта маҳсулот, ма-

салан, бўтқа бўлиши яхши эмас. Таомномада, шунингдек, оқсилли таомлар ҳам бўлиши даркор.

Экспертнинг таъкидлашича, углеводлар – одам организмга зарур кубват манбаи. Бироқ нонушадан омлет ёки сирник каби маҳсулотлар чиқариб ташланадиган бўлса, одам танаси кунлик оқсил миқдорини етарлича қабул

қилолмай қолади. “Оқсил етишмовчилиги натижасида организмда ортикча ёғ ва углеводлар кўпайиши келиб чиқади. Бу эса ортикча вазнга сабаб бўлади”, – дея таъкидлайди Чехонина.

Нонушта – саломатлик гарови. Шунинг учун мутахассислар тонгда тулақонли овқатланишни маслаҳат беришади.

ГУРУЧ НЕГА МИТАЛАДИ?

(Яхшилигимизни ҳам, ёмонлигимизни ҳам ўзимизга қайтаргувчи дунё бу!)

Бир девор кўшни, синфдош дугонам билан мактабга бирга қатнардик. Мактабдан қайтгач, уй юмушларини тез-тез бажариб, уйимиз олдидаги майдончага ўйнагани чиқардик. Бир кунни ўйин авжига чиққанда Гулноза шошиб қолди:

– Уйда бобомнинг ўзи қолганди-ку! Мен тез уйга киришим керак. Хойнаҳой, бобом ошхонага кириб олиб гўшт пишираётган бўлса керак...

– Бу нима деганинг. Овқат қилмаганмидинг? – дея ажабланиб сўрадим.

– Овқат бор. Аммо неча кундан бери бобом қовурилган гўшт егим келяпти, деб юрганди. Айтганини қилиб бермагандик, ўзи пишириб ебди. Онам бобонг гўштни камайтириб қўйибди, нега қарамадинг, деб роса бақирганди. Шу бобомни деб тинчлик йўқ уйимизда. Қари бўлсаям томоғи ёмон-да ўлгурнинг. Алланималарни егиси келади. Дадам: “Бобой ўлса, шошиб қолмайлик”, деб, бир қопдан гуруч билан ун олиб қўйганди. Кўп вақт турганидан миталаб кетибди. Ноилж рўзгорга ишлата бошладик. Эртага дадам маош олса яна гуруч, ун олиб келаркан. Онам ҳам, “Саксон бешга кирсаям ўлишидан дарак йўқ. Жониям қаттиқ экан-да”, деди... – у тинмай гапирар, гапирган сари оёқлари уйи томон шошиб кетарди...

Очил бобонинг қулоғи оғирроқ бўлса-да, жуда меҳнаткаш, самимий инсон эди. Қачон чиқсам, у киши доим бир нималар билан банд бўлар, оила аъзоларининг оёқ кийимларини тикиб, бутлаб ўтирганига кўп ғувоҳ бўлганман. Сухбатини эшитсангиз ёнидан кетгингиз келмас, бир-бирдан қизиқарли ҳикояларни айтиб одамни асло зериктирмас эди...

Шу воқеа сабаб бўлди-ю мактабга Гулноза келишини кутмай атайин эрта кетиб қолади-ган бўлдим. У бўлса нима бўлганига ҳайрон эди...

Бир кун эрта тонгдан “Вой, отам-ей”, деган йиғи эшитилди. Югуриб ҳовлига чиқдим, овоз Гулнозаларнинг уйи томондан келаятган эди. Билдимки, Очил бобо вафот этибди... Кечагина ҳассасига суюнганча кўча эшиги олдида нималарнидир ўйлаб ўтирганди-я.

Кўшни ҳовлидан чиқаётган овоз баландлашган сари шунчалик сохтадек туюлар, Гулнозанинг “Гуручларимиз эскириб қолди, бунинг эса ўлишидан дарак йўқ”, деган гаплари кулоғим остида жаранглайверарди...

Энди ҳар гал уйимга борсам бир девор наридан бақир-чақир, ур-тўполонларнинг овозини эшитаман. Укамга нима гап дегандек қарайман. Укам эса хўрсиниб, “Қайтар дунё”, дейди. Шундай пайтларда кўчамизда Очил бобонинг мунгайиб турган чеҳраси кўз олдимда намоён бўлаверади...

Нилуфар ЖАББОРОВА,
журналист

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-857 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 3958 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй
(мулкчи: Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00.
Босишга топширилиш вақти — 24.00.

Видеот муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80	Бухорода (99)854-7305	Жиззахда (94) 199-95-64	Наманганда (91) 353-71-25	Навоийда 225-91-10	Нукусда 554-35-45	Самарқандда (91)557-84-44	Термизда (91)235-88-68	Тошкентда 234-18-59	Ургачда (97) 211-65-05	Фарғонада 244-18-05	Қаршида (93)931-08-99
---------------------	-----------------------	-------------------------	---------------------------	--------------------	-------------------	---------------------------	------------------------	---------------------	------------------------	---------------------	-----------------------